

А.М.Рахимов



«ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ»

фанидан

маърузалар матни

(муаммоли маърузалар киритилган)

Маъruzалар матни «5A140901 «Касб таълими» (Бинолар ва иншоотлар қурилиши)» магистри учун тузилган «Намунавий дастур» асосида ёзилган булиб, унда иссиқ иқлимли худудларнинг табиий иқлим шароити, одатдан таҳқари шароитларнинг қурилиш ишларининг бажарилиш жараёнига таъсири атрофлича баён этилган.

Муаллиф: т.ф.н. доцент А.М.Рахимов

Тақризчилар: А.Алиназаров- Наманган мухандислик педагогика институти «Мухандислик тармоқлари қурилиши» кафедрасининг мудири, т.ф.н доцент.
З.Азимов- «Наманганивестлойиха» институти булим бошлиги.

Маъruzалар матни 2003 йил 19 ноябрдаги «Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши» кафедрасининг 4-сонли йигилишида куриб чиқилган ва маъқулланган

Маъruzалар матни 2003 йил 26 ноябрдаги Наманган мухандислик педагогика институти илмий-услубий кенгашининг 3-сонли йигилишида куриб чиқилган ва чоп этишга тавсия этилган.

1-маъруза.

Мавзу: Қуруқ-иссиқ иқлим шароитининг бетон ишлари технологиясига ва бетоннинг узоққа чидамлилигига таъсири

1. Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишлари технологияси тўғрисида умумий маълумотлар.

Қуруқ-иссиқ иқлимли ҳудудларда кундузлари соядаги ҳаво ҳарорати 35-40 °C, айрим холларда 45 °C гача кўтарилиб, ҳавонинг нисбий намлиги 15-20% га камайиб кетади. Бундан ташқари бу ҳудудлар қуёш радиациясининг интенсивлиги, қуруқ шамоллар эсиши, ҳарорат ва намликнинг сутка давомида кескин фарқланиши, ёгин гарчилликнинг камлиги билан ҳам ажралиб туради.

Қуруқ-иссиқ иқлим бетон ишлари технологиясига, бетондан тайёрланган конструкция ва иншоотларнинг узоққа чидамлилигига салбий таъсир этади. Бу таъсир конструкциядаги бетон ҳоссаларининг ўзгаришида, бетонда турли дарзларнинг ҳосил бўлишида, деформацияланиш миқдорининг ортиб кетишида кўзга ташланади.

Қуруқ-иссиқ иқлим ҳусусиятларини эътиборга олмаслик конструкция ва иншоотлар сифатининг кескин пасайишига, ҳатточи бузилишига олиб келади. Шимолий Қозогистондаги дон элеватори Бекобод Цемент заводидаги Цемент омборларининг бузилиш сабабларини ўрганиш бу иншоотларни тиклашда бетонлаш ишлари йилнинг қуруқ ва иссиқ даврида бажарилганлиги сабабли бетоннинг физик-механик ҳусусиятлари меъёрдагидан анча паст бўлганлигини кўрсатди. Масалан, бетоннинг мустаҳкамлиги 20 МПа ўрнига 5-7 МПа ни ташкил этган ҳолос.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетонлаш ишларини бажариш масаласи билан олимлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассислари узоқ йиллардан бери шугулланиб келадилар. Бу йуналишдаги дастлабки меъёрий хужжат Республикаизда 1960 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, у “Йилнинг қуруқ ва иссиқ даврида бетон ишларини бажаришга оид кўрсатмалар ва техник шартлар” деб номланган. 1963 йилда “Йилнинг иссиқ даврида бетон коришмасини тайёрлаш ва ташишнинг техник шартлари” ишлаб чиқилди. Шунга ўхшаш меъёрий хужжатлар 1966 йилда Тожикистонда, 1969 йилда Туркманистанда ишлаб чиқилди. Аммо бу хужжатлар бир қатор жиддий камчиликлар ва қарама-қарши фикрлардан холи эмас эди.

Америкада ҳам бу йўналишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. 1959 йилда амалга киритилган “Иссиқ об-ҳавода бетонлаш ишларига оид тавсиялар” Америка бетон

институти томонидан ишлаб чиқилган дастлабки меъёрий хужжат эди. Кейинчалик бу тавсияларга аниқлик киритилиб, тўлдирилиб борилди ва 1972 йилда янги меъёр шаклида чоп этилиб, амалга киритилди. Шуни назарда тутиш керакки, Америкада ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлардаги тавсияларни бизнинг шароитимизда ҳар доим ҳам қўллаб бўлавермайди.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишларини бажаришга оид илмий тадқиқотлар 1970 йилга қадар амалда мувофиқлаштирилмаган эди. МДХ миқёсида дастлабки “Мувофиқлаштирувчи кенгаш” 1970 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ўтказилди. 1974 йилнинг июнь ойида Ашхободда 2-кенгаш, 1980 йилнинг октябрида Тошкентда 3-кенгаш ўтказилди.

Бу кенгашларда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг холати, қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишларини бажариш тажрибаси мухокама қилиниб, тадқиқотларнинг асосий ўйналишларини белгилаб берувчи ва мувофиқлаштирувчи режалар қабул қилинди.

Биргаликда олиб борилган тадқиқотлар натижасида 1976 йилда биринчи марта “Курилиш меъёрлари ва қоидалари” (КМҚ) таркибига “Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишларини бажаришнинг хусусиятлари” деб номланувчи бўлим киритилди. Бу бўлимдаги маълумотлар ўтган йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари билан тўлдириб, қайта кўриб чиқилиб борилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишларини бажаришга оид муаммолар узининг тўлиқ ечимини топган эмас ва бу борадаги илмий тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқ хисобланади.

2. Қуруқ-иссиқ об-ҳавонинг бетон ишлари технологиясига ва бетоннинг узоққа чидамлилигига таъсири.

“Қуруқ-иссиқ иқлим” деганда жазира маънни ёз кунлари узоқ (100 кундан ортик) давом этадиган, ҳавонинг энг юқори ҳарорати 40°C ва ундан ортадиган, энг иссиқ ойдаги ўртача юқори ҳарорат $29\text{-}30^{\circ}\text{C}$ ва ундан ортадиган, ҳавонинг нисбий намлиги эса энг иссиқ ойда 50-55% дан кам бўладиган метеорологик шароитлар йигиндиси тушунилади. Қуруқ-иссиқ иқлими худудлар ҳарорат ва нисбий намликнинг сутка давомида катта фарқланиши, қурилиш конструкциялари очик юзаларининг кундузлари $60\text{-}80^{\circ}\text{C}$ гача қизиши, тунлари совиши ва бундаги ҳароратлар фарқи 40°C дан ортиб кетиши, қуруқ шамоллар эсиши билан ҳарактерланади. “Қуруқ-иссиқ об ҳаво деганда эса маълум вақт оралигидаги атмосфера холати, яъни соат 13 да ҳаво ҳарорати 25°C дан юқори ва нисбий намлик 50 % дан кам бўлган холат т шунилади.”

Қуруқ-иссиқ иқлими худудларга Ўрта Осиё худуди, Қозогистоннинг жанубий ва марказий вилоятлари, Россия ва Украина нинг жанубий худудлари киради. Қуруқ-иссиқ об-ҳаво эса турли иқлими худудларда ёз пайтида бўлиши мумкин.

Қуруқ-иссиқ об-хаво бетон ишларини бажаришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради, жумладан:

- бетон қоришимаси ҳароратининг ортиши унинг сув талабчанлигини ошириб юборади;
- ташиш жараёнида бетон қоришимаси оқувчанлигининг кескин камайишига олиб келади;
- янги ётқизилган бетоннинг жадал сувсизланиши оқибатида сиқилишга бўлган мустахкамлигининг ойлик қўрсаткичи 50 % гача камайиб кетади ва бетоннинг бошқа физик-механик хусусиятлари ёмонлашади;
- пластик киришишнинг ортиши натижасида қотаётган бетонда дарзлар хосил бўлади ва темир-бетон конструкцияларнинг узоққа чидамлилиги кескин камайиб кетади;
- қуёш радиацияси таъсирида яхлит (қўйма) конструкцияларда ҳароратнинг нотекис тақсимланиши термик кучланиш холатига ва дарзлар хосил бўлишига олиб келади;
- бетон ишларини бажаришдаги қийинчиликлар ортиқча ҳаражатларни талаб этади.

Қуруқ-иссиқ иқлимининг бетон конструкциялар ва иншоотларнинг узоққа чидамлилигига қўрсатадиган салбий таъсири қўйидагиларда кўринади:

- конструкциялар очиқ юзаларининг кучли даврий қизиши (бунда сутка давомидаги ҳароратлар фарқи 40-45 °C ни ташкил этади) натижасида бетон структурасининг бузилиши, мустахкамлигининг камайиши юзага келади; оқибатда конструкция ва иншоотнинг узоққа чидамлилиги камайиб кетади;
- конструкция юза қатламишнинг унча катта бўлмаган манфий ҳароратда музлаши ва эриши, бу жараённинг кўплаб марта такрорланиши бетон совуқбардошлигининг юқори даражада бўлишини талаб этади;
- салбий таъсиrlар оқибатида бетон структурасининг бузилиши, унинг сув утказувчанлигини ошириб юборади; натижада бетон ва арматуранинг емирилиш жараёни тезлашиб кетади.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг мустахкамлиги ва бошқа физик-механик хусусиятлари ҳамда конструкция ва иншоотнинг узоққа чидамлилиги биринчи навбатда материалларни танлашга, бетон таркибини қабул қилишга ва бажарилаётган ишлар сифатига bogliq bouldadi.

Ўтказилган тадқиқот натижалари қуруқ-иссиқ иқлим шароитида юқори маркали тез қотувчи портландцементлардан фойдаланиш яхши самара беришини кўрсатди. Бунда цемент маркаси бетон маркасидан камида 1,5 марта ортиқ бўлиши ва 400 дан кам бўлмаслиги зарур. Бундан ташқари амалдаги тавсияларга асосан цементлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- цемент бўтқасининг меъёрий қуюклиги 27 % дан ортиб кетмаслиги керак;
- цементнинг ушлашиш даврининг бошланиши 1,5 соатдан кам бўлмаслиги зарур;

- цементнинг ишлатилиш пайтидаги ҳарорати 50°C дан ортиб кетмаслиги керак, акс холда унинг сув талабчанлиги ортиб кетади.

Бетон учун тўлдирувчи сифатида сунъий ва табиий говакли материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Сабаби, говакли тулдирувчилар қоришма тайёрланаётганда сувга тўйиниб қолади ва бетоннинг қотиши жараёнида бу сув қотаётган цемент тошига узатилиб туради; натижада цементнинг қотиши учун қулай шароит яратилади ҳамда цемент тоши ва тўлдирувчининг бир-бирига бирикиш даражаси ортади.

Қуруқ иссиқ иқлим шароитида бетон қоришмасини тайёрлашда пластиковчи юза актив қушимчалардан ва пластиковчи ҳавони жалб қилувчи қушимчалардан фойдаланиш қоришманинг сув талабчанлигини камайтиради, цемент сарфини оширгмаган холда зарурий оқувчанликни таъминлайди, конструкцияларнинг дарзбардошлик хусусиятини оширади; натижада бетон ишларининг сифати яхшиланади, конструкция ва иншоотнинг узоққа чидамлилиги ортади.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

Илмий тадқиқотлар, қуруқ-иссиқ иқлим, қуруқ-иссиқ об-ҳаво, салбий таъсирлар, тавсиялар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Куруқ-иссиқ иқлим шароити учун ўтказилган тадқиқотлар ва меъёрий хужжатлар.
2. Куруқ-иссиқ иқлим деганда нимани тушунасиз ва унинг салбий жихатлари нималарда кўринади?
3. Куруқ-иссиқ об-ҳаво деганда нимани тушунасиз ва у бетон ишлари технологиясида қандай қийинчиликларни келтириб чиқаради?
4. Куруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишлари сифатини ошириш учун нималар тавсия этилади?

2-маъруза.

Мавзу: Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қоришмасининг зарурий оқувчанлигини таъминлаш

1. Бетон қоришмасининг чиқарилиш оқувчанлиги.

Ёз пайтида қуруқ-иссиқ иқлими худудларда бетон қоришмасининг бетон қориштиргичдан чиқаётган пайтдаги ҳарорати $28-30^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этиб, айрим пайтларда 35°C гача етади. Натижада бетон қоришмасининг оқувчанлиги меъёрий ҳароратдаги қийматидан анча камайиб кетади. Бетон қоришмаси ҳароратининг унинг оқувчанлигига таъсирини ўрганиш 1930 йиллардан бошланган эди.

И.А.Фальков ва Б.Г.Скрамтаевлар томонидан 1932 йилда чиқарилган хulosалар хозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- қўшилаётган сув ҳароратининг ортиши цемент бўтқасининг қуюқланишига, оқувчанликнинг камайишига олиб келади;
- агар сув ҳароратининг ортишига мос равища цемент бўтқаси таркибидаги сув миқдори ҳам ошириб борилса оқувчанликни ўзгармас холда сақлаб туриш мумкин бўлади; тажриба натижаларига кўра цемент бўтқаси ҳароратининг 20°C дан 55°C гача ўзгариши сув миқдорини 24,8 % дан 32,8 % га оширишни талаб этади;
- ҳароратнинг цемент бўтқаси оқувчанлигига таъсири сув ва цемент ўртасидаги химиявий реакциянинг тезлаши билан изохланиши мумкин;
- цемент бўтқаси оқувчанлигининг камайиши бетон қориши мумкин оқувчанлигининг камайишига олиб келади; бу эса зарурый оқувчанликни таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради.

Бетон қориши мумкин оқувчанлиги сув-цемент нисбати (с/ц) ни ортириш ёки С/Ц ни ўзаришсиз сақлаган холда сув ва цемент сарфини орттириш хисобига таъминланиши мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича С/Ц нинг орттирилиши бетон мустахкамлигини 20-30 % га камайтириб юборади. Бетон мустахкамлигини ўзаришсиз сақлаб қолиш учун С/Ц ни орттирилиши билан бирга цемент маркасини икки, уч погона юқори қилиб олишга тўғри келади. Юқори ҳароратларда бетон қориши мумкин оқувчанлигини С/Ц ни ўзгартирган холда таъминлаш учун эса цемент сарфини 15-20 % оширишга тўғри келади.

С.А.Миронов ва Е.Н.Малинскийлар томонидан турли цемент ва бетонларда ўтказилган тажрибалар бетон қориши мумкин оқувчанлигини бир хилда сақлаб туриш учун ҳароратга боғлиқ равища сув сарфининг миқдори қуидаги чегараларда ўзгаришини кўрсатди:

Бетон қориши мумкин ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	10	15	20	25	30	35
Сувнинг нисбий сарфи, %	94-97	97-99	100	102-104	105-107	108-110

Кўриниб турибдики, қуруқ-иссиқ иқлим шароитида маҳсус чора-тадбирларсиз бетон қориши мумкин чиқарилиш оқувчанлигини ва бетоннинг берилган мустахкамлигини таъминлаш учун сув сарфини ҳамда унга мос равища цемент сарфини 10 % гача оширишга тўғри келади. Аммо, темир-бетон корхоналари ва қурилиш ташкилотларини бетоннинг чиқарилиш лоқувчанлигини ортиқча цемент сарфисиз таъминлаш усувлари кўпроқ қизиқтиради.

Қуруқ-иссик об-ҳаво шароитида бетоннинг чиқарилиш оқувчанлигини цемент сарфини оширмаган холда қуйидаги усулларни қўллаш орқали таъминлаш мумкин:

1. Бетон қориshmаси ҳароратини пасайтириш;
2. Пластиковчи юза-актив қўшимчалардан фойдаланиш;
3. Ҳар икки усулни биргаликда қўллаш.

Бетон қориshmасининг чиқарилиш оқувчанлигини таъминлашда қоришма ҳароратини пасайтириш усули самарали усуллардан бири хисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиги бетон қориshmаси ҳароратини 1°C га пасайтириш учун цемент ҳароратини $8-10^{\circ}\text{C}$ га ёки сувнинг ҳароратини 4°C га ёки тўлдирувчилар ҳароратини $1,6 \dots 1,8^{\circ}\text{C}$ га пасайтириш зарур бўлади. Шу сабабли бетон қориshmаси ҳароратини пасайтиришда биринчи навбатда тўлдирувчилар ва сув ҳароратини пасайтириш мақсадга мувофиқ хисобланади. Тўлдирувчилар ҳароратини пасайтиришга уларни қуёш нурларидан химоя қилувчи ёпиқ омборларда сақлаш сув билан хўллаш, совук ҳаво ёрдамида совитиш орқали эришиш мумкин. Сувнинг ҳароратини пасайтириш тўлдирувчилар ҳароратини пасайтиришга нисбатан анча қулай. Бунга сувни совук сув манбаларидан олиш, исишидан химоя қилиш, сувни маҳсус қурилмаларда совитиш, сувга майданланган муз булакларини қўшиш орқали эришиш мумкин.

Америка бетон институти маълумотларига кўра сувнинг 50 % ини муз билан алмаштириш бетон қориshmаси ҳароратини деярли 11°C га, ҳарорати 0°C га айланган сув эса уни яна $4-4,5^{\circ}\text{C}$ га пасайтиради.

Кўпчилик темир бетон корхоналарида ва қурилиш ташкилотларида бетон қориshmаси ҳароратини пасайтириш имкониятлари йўқлигини эътиборга олсак, бетон қориshmасининг чиқарилиш оқувчанлигини таъминлашда юза-актив қўшимчалардан фойдаланиш асосий усул бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Бетон қориshmасини жойлаштиришда зарурий оқувчанликни таъминлаш.

Қуруқ-иссик об-ҳаво шароитида бетон қориshmаси ўзининг чиқарилиш оқувчанлигини жуда тез йўқотади. Бунга сабаб юқори ҳарорат таъсирида цементнинг гидратланиш жараёнининг тезлашиши қоришма таркибидаги сувнинг жадал бугланиши хисобланади. Шу сабабли бундай шароитда бетон қориshmасини тайёрлаш ва жойлаштириш имкони борича қисқа вақт ичida амалга оширилиши керак. Ўтказилган барча тадқиқотлар бу вақтни қоришма ҳарорати 25°C бўлганда 30-60 мин, 30°C бўлганда 15-30 мин, 35°C бўлганда 10-15 мин дан ошмаслиги зарурлигини кўрсатди. Шуни таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичлар химиявий қўшимчаларсиз тайёрланган бетон қориshmаларига тааллуқлидир.

Бетон қоришмасини жойлаштиришда унинг зарурий оқувчанлигини таъминлаш усуллари давн бири қуруқ холда аралаштирилган қориshmани автобетон қориштиргичларда ташиб келтириш ва қурилиш майдонида сув билан аралаштириш хисобланади. Бу усулни кўллашда шуни эътиборга олиш керакки, тўлдирувчилар таркибида намлик бўлмаслиги зарур. Чунки А.Д.Осипов томонидан ўтказилган тадқиқотлар қуруқ холдаги аралашма таркибидаги тўлдирувчилар, айниқса қумнинг намлиги бир фоиздан ортиқ бўлиб, узоқроқ сақланган бўлса бетоннинг мустахкамлик кўрсаткичлари сезиларли даражада камайиб кетишини кўрсатди. Бетон қоришмасини қуруқ холда аралаштириб ташиш ва бетон кўйиладиган жойда тайёрлаш имконини берувчи машиналарнинг етарли эмаслиги сабабли кўпчилик холларда тайёр бетон қоришмасини ташишга тўғри келади. Бунда асосий транспорт воситаси сифатида автосамосваллардан фойдаланилади. Натижада бетон қоришмасини ташишда зарурий оқувчанликнинг камайиши билан бирга унинг қатламланиши ҳам юзага келади. Бундай холларда бетон қоришмасининг зарурий оқувчанлигини таъминлаш ва унинг қатламланишига йўл қўймасликнинг энг мақбул йўлларидан бири комплекс қўшимчалардан, яъни пластиковчи ва ҳавони жалб қилувчи қўшимчалардан фойдаланиш хисобланади. А.Д.Осипов тадқиқотларига асосан ҳавони жалб қилувчи СНВ қўшимчасининг зарурий миқдори қуидаги жадвалда келтирилган.

**Бетон қоришмасини ташиш масофасига баглиқ равища
СНВ қўшимчасининг зарурий миқдори**

Ташиб масофаси, км	Бетон қоришмаси таркибидаги жалб қилинган ҳаво, %	СНВ миқдори, цемент маркасига нисбатан % хисобида
20	4	0,010
30	5	0,015
40	6	0,020
50	7	0,040
60	8	0,060
70	9	0,080

Хозирда ишлатилаётган пластиковчи ва ҳавони жалб қилувчи қўшимчаларни биргаликда қўллаш қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қоришмаси сифатини бузмаган холда 50 км гача ташиш имконини беради.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

чиқарилиш оқувчанлиги, ҳароратнинг таъсири, чиқарилиш оқувчанлигини таъминлаш усуллари, ташиш ва жойлаштиришда зарурий оқувчанликни таъминлаш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Чиқарилиш оқувчанлиги нима?

2. Оқувчанликка ҳароратнинг таъсири нималарда кўринади? (И.А.Фальков ва Б.Г.Скрамтаевлар холосаси)
- 3.Оқувчанликни таъминлашнинг икки усули (С/Ц га бо/лик равиша) нинг мөхиятини тушунтиринг.
4. Цемент сарфини оширганинг холда чиқарилиш оқувчанлигини таъминлашнинг қандай усуллари бор?
5. Бетон коришмасини ташиш ва жойлаштиришда зарурый оқувчанлик қандай таъминланади?

3-маъруза.

Мавзу: Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қаровининг ўзига хос жихатлари

1. Бошлангич бетон қаровининг давомийлиги.

Бетон қаровидан кўзда тутилган мақсад бетоннинг қотиш жараёнида намликнинг ўқолишига йўл кўймаслик гидратланиш жараёнининг тўлиқ юз беришини таъминлашдан иборат. Бетон қаровининг энг кўп тарқалган усули узлуксиз намлаш хисобланиб бунда конструкцияларнинг очик юзалари нам сақловчи материаллар (чишта, ёгоч, қириндиси кум) билан қопланади ва доимий намлик холатида сақлаб турилади.

Бетонга намли қаровни шартли равиша икки даврга бўлиш мумкин: бошлангич қаров ва бетоннинг кейинги қотиш давридаги қаров. Бетоннинг бошлангич қарови бетон коришмаси ётқизилгандан сўнг бошланиб, бир неча соат давом этади. Бошлангич қаровнинг давомийлиги тўгрисида тадқиқотчилар фикрида қарама-қаршиликлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар бетон юзасини намлашни 4-6 соатдан сўнг бошлашни тавсия этсалар, айримлари атроф-мухит ҳароратига бодлиқ равиша белгилашни ($20-40^{\circ}\text{C}$ да 5 соатдан сўнг, $5-20^{\circ}\text{C}$ да $14-18$ соатдан сўнг) тавсия этадилар. Тадқиқотчиларнинг яна бир гурухи эса бошлангич қаровни портландцементнинг ушлашиш муддатига бодлиқ равища аниқлайдилар.

Барча тадқиқотчилар томонидан бошлангич қаровни аниқлашда асосий мезон сифатида вақт қабул қилиниб, портландцементнинг тури ва активлиги, бетон таркиби, С/Ц, қотиш жараёнидаги ҳарорат-намлик шароити эътиборга олинмаган.

Бошлангич бетон қарови давомийлигининг асосланган мезонини аниқлаш борасида Е.Н.Малинский ва С.А.Мироновлар томонидан ўtkазилган тажрибалар дикқатга сазовордир.

Тажриба натижалари айрим тадқиқотчиларнинг цементнинг ушлашиш даври тугагандан сўнг бетон буюмларни сувга ботириш мумкинлиги тўғрисидаги тавсиялари етарли даражада асосланмаганлигини кўрсатди. Бошлангич бетон қаровининг давомийлиги бетоннинг қотиш вақти билан эмас, балки унинг бошлангич мустахкамлиги билан белгиланиши асосли мезон эканлиги аниқланди. Бетоннинг бошлангич мустахкамликни олиши учун кетадиган вақт цементнинг тури ва активлигига, бетон таркибига с/ц га, ҳарорат намлик шароитига бо/лиқ бўлиб, 3-3,5 соатдан 9-10 соатгача давом этиши мумкин.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида қотадиган бетонлар учун чиқарилган буғ камераси ва автоклавда иссиқлик ишлови бериладиган бетонлар учун белгиланган холатларга ҳам тўлиқ мос келади, яъни бетондан тайёрланган буюм ва конструкциялар иссиқлик ишлови беришдан аввал маълум муддат етарли даражада бошлангич мустахкамликни эгаллагунга қадар ушлаб турилиши тавсия этилади. Сабаби ана шу бошлангич мустахкамлик иссиқлик ишлови беришда камерадаги ҳароратнинг 100°C гача кўтарилиши натижасида юз берувчи бетон структурасини бузувчи жараёнларга бетоннинг бардош беришини таъминлайди. Худди шунга ўхшаш бетоннинг бошлангич қаров давомида оладиган мустахкамлиги кейинги бетон қарови даврида руй бериши мумкин бўлган бузувчи жараёнларга бетоннинг бардош бера олишини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотлар натижасига кўра қуруқ-иссиқ иқлим шароитида табиий холда қотадиган бетонлар учун бошлангич қаров давомидаги бетон олиши керак бўлган энг кичик мустахкамлик $0,3\ldots 0,5$ МПа ни ташкил этади. Бетон ушбу мустахкамликни олиши учун кетадиган вақт юқорида айтиб ўтилганидек цементнинг тури ва активлигига, С/Ц га, атроф-мухит ҳароратига ва бошқа технологик омилларга bogliq bўlib 3 соатдан 10 соатгача давом этиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики $0,5$ МПа дастлабки мустахкамликка эга бўлган бетон кейинги қаров пайтида сепиладиган сувнинг бузувчи таъсирига бардош бера олади ва жадал сувсизланиш ҳамда пластик киришиш натижасида юзага келадиган физик бузувчи жараёнлардан химояланиш имконини беради.

2. Кейинги қотиш давомида бетон қаровининг давомийлиги.

Кейинги бетон қаровининг давомийлиги тўғрисида турли тавсиялар мавжуд. Айрим тадқиқотчиларнинг тавсиясига кўра портландцемент асосидаги бетонларда қаров муддати ҳаво ҳароратига bogliq равишда 12-18 кунни; пуццоланли, шлакли ва сульфатга бардошли цементлар асосидаги бетонларда 24-33 кунни ташкил этади. Айрим манбааларда эса қуруқ-иссиқ иқлим шароитида портландцемент асосидаги бетонлар 7 кун, бошқа цементлар асосидаги бетонлар эса 14 кун давомида мунтазам намлаб турилиши тавсия этилади. Ушбу тавсияларда бетон таркиби тўлдирувчилар тури, цементларнинг активлиги, қотиш жараёнидаги ҳарорат эътибордан четда қолган.

Кейинги бетон қаровининг асосланган мезонини аниқлаш мақсадида С.А.Миронов ва Е.Н.Малинскийлар томонидан маҳсус тадқиқотлар ўтказилди. Бу тадқиқотлар бетон қаровини тўхтатиш учун бетоннинг энг кичик мустахкамлиги қанча бўлишини аниқлашга қаратилди. Чунки асосий мезон сифатида вақтни қабул қилиб бўлмайди. Сабаби, мисол учун, юқори активликка эга бўлган тез қотувчи цементдан тайёрланган ва 40°C ҳароратда қотаётган бетон учун ҳамда оддий портландцементдан тайёрланган ва $20-25^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қотаётган бетон учун қаров муддати бир хил бўлиши мумкин эмас.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қарови бетон сифатини таъминловчи асосий технологик жараён хисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича бундай шароитда қаровсиз холда қотган бетоннинг 28 кунлик мустахкамлиги қаров остида қотган бетон мустахкамлигининг 50-70 % ини ташкил этади холос. Мустахкамликнинг бундай пасайиб кетиши атроф-мухитнинг юқори ҳарорати таъсирида бетон таркибидаги сувнинг жадал бугланиши, бетоннинг сувсизланиши оқибатида 4-6 кундан сўнг гидратланиш жараёнининг деярли тўхтаб қолиши билан изохланади.

Ўтказилган тажрибаларда қаровни тўхтатиш учун етарли бўлган энг кичик мустахкамликнинг бетоннинг 28 кунлик мустахкамлигига нисбати ($R_0/R_{28} \cdot 100$) қуйидаги қийматларга эга бўлди:

1. Тез қотувчи портландцемент асосидаги

$\text{С}/\text{Ц} 0,61$ бўлган бетон учун -52,5 %;

2. $\text{С}/\text{Ц} 0,67$ бўлган бетон учун-56%;

3. $\text{С}/\text{Ц} 0,77$ бўлган бетон учун-65%;

4. $\text{С}/\text{Ц} 0,8$ бўлган бетон учун-67%;

Бетон қаровини тўхтатиш учун етарли бўлган энг кичик мустахкамлик И.Б.Заседателев томонидан “намсизланишга нисбатан критик мустахкамлик” деб номланган (R_h^{kp}).

$$R_h^{kp} / R_{28} \cdot 100$$

Тажриба натижалари R_h^{kp} нинг қиймати $\text{С}/\text{Ц}$ га тўғри пропорционал бўлишини кўрсатди, яъни $\text{С}/\text{Ц}$ нинг ортиши R_h^{kp} нинг юқори қийматини талаб этади. $\text{С}/\text{Ц}$ нинг 0,4 дан 0,8 гача бўлган оралигига R_h^{kp} ни қиймати 50 % дан 70 % гача ўзгаради.

$R_h^{kp} f(c/\text{Ц})$ боғлиқлик катта амалий аҳамиятга эга. Чунки шу боғланиш асосида ҳар бир аниқ хол учун бетон қарови давомийлигини белгилаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги бетон қарови бетоннинг мустахкамлиги лойиха мустахкамлигининг 50-70 % ини ташкил этгунга қадар давом эттирилиши керак. Тажрибалар натижаларига кўра бетон қарови 1-2 кундан 8-10 кунгacha давом этади. Ҳар бир аниқ хол учун R_h^{kp} нинг қиймати тажриба йўли билан аниқланади. R_h^{kp} нинг зарурӣ қийматига эришилгач бетон қаровини тўхтатишни (бетон юзасидан нам сақловчи материалларни олиб ташлаш,

бетонни намлашни тўхтатиш) тунда амалга ошириш тавсия этилади. Бундан ташқари, бетон қарови тугаллангандан сўнг нам сақловчи материалларни яна 2-3 кун бетон юзасида (намлашсиз) қолдириш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

бошлангич бетон қарови, кейинги бетон қарови, “Намсизланишга нисбатан критик мустахкамлик”.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Бошланғич бетон қарови ва унинг давомийлиги.
2. Кейинги бетон қарови ва унинг давомийлиги.
3. “Намсизланишга нисбатан критик мустахкамлик” нинг моҳиятини тушунтиринг
4. Бетон қарови қай тартибда тўхтатилади?

4-маъруза

Мавзу: Бетон қаровининг усуллари

1. Бетонга намли қаровнинг асосий усуллари

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қаровининг энг кўп тарқалган усули сув билан хўллаб туриш хисобланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича бу усулни фақатгина мўътадил иқлимли худудлардагина қўллаш мумкин. қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон сиртидаги ҳарорат қўёш таъсирида $50-70^{\circ}\text{C}$ гача етади ва унга вақти-вақти билан уриладиган совуқ сув иссиқлиқ зарбини юзага келтиради; натижада бетон структураси жиддий заарланади ва бетоннинг физик-механик хусусиятлари ёмонлашади. Шу сабабли бетон сиртини нам сақловчи материаллар (чишта, қум, ёгоч қириндиси) билан қоплаш ва бетон сиртини эмас, балки ана шу материалларни вақти-вақти билан намлаб туриш тавсия этилади. Бу усул меҳнат сарфининг кўплиги сув танқислиги мавжуд булган холларда қўллашнинг қийинлиги билан ажралиб туради.

Бетонга намли қаровнинг усулларидан бири Л.Н.Дубинин томонидан таклиф этилган бўлиб, бунда бетондан тайёрланган конструкциялар сувга ботириб қўйилади; шу сабабли бу усул «термобассейнда сақлаш усули» деб номланади. Бу усул очик майдон ва полигонларда йигма темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда яхши самара бериши мумкин. Лекин бу усулни қурилиш майдонида тайёрланадиган яхлит бетон конструкцияларга қўллаб бўлмайди.

Москвадаги «Бетон ва темир-бетонни илмий текшириш институти» (НИИЖБ) да ўтказилган тадкиқотлар натижасида очик майдон ва полигонларда иссиқлиқ ишловисиз тайёрланадиган йигма темир-бетон буюм ва конструкциялар учун ҳамда яхлит бетон ва

темир-бетондан куриладиган иншоотлар учун самарали бўлган бетон қарови усули таклиф этилди. Бу усул «Бетон сиртида сув қатлами хосил қилиш усули» деб номланади. Бу усул 1966-1968 йилларда Шимолий Аф/онистондаги иссиқлик электростанциялари ва азотли ў/итлар заводи қурилишида илк бор муваффақиятли қўлланилган.

Усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда бетоннинг очиқ юзаси 3...5 см қалинликдаги сув билан қопланади. Бунинг учун бетоннинг юза периметри бўйлаб бетон сиртидан 5...7 см кўтариувчи тўсиқлар хосил қилинади. Сув тез бугланиб кетмаслиги учун унга зичлиги сувнинг зичлигидан кам бўлган қўшимча (масалан, ишлаб чиқсан мойлар) кўшилади ва у сув сиртида юпқа химоя қатлами хосил қиласди. Бу усулни қўллашда шуни унумаслик керакки, бетон сиртидаги сув қатлами бетон мутахкамлиги камида 0,5 мПа ни ташкил этгандан сўнг хосил қилиниши керак. Акс холда бетоннинг мустахкамлиги, совукбардошлиги ва сув ўтказмаслиги сезиларли даражада камайиб кетади.

Бу усулнинг асосий афзалликларидан бири бетондаги ҳароратнинг teng тақсимланиши яъни бетоннинг юза ва ости қисмларидағи ҳароратлар фарқининг камайиши хисобланади. Иккинчидан бетон таркибидаги сувнинг сақланиб қолиши (бугланиб кетмаслиги сабабли) бетон структурасининг зич холда шаклланиши учун кулай шароит яратади. Бу эса ўз навбатида бетоннинг мустахкамлиги, совуқбардошлиги, сув ўтказмаслик хусусиятининг ортишига, хаво ўтказувчанлик хусусиятининг эса камайишига олиб келади.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетонга намли қаровнинг самарали усулларидан бири хисобланган бу усул Республика мизда 1971 йилдан қўлланила бошланган. Лекин хозирги кунда бу усул ишлаб чиқарувчилар эътиборидан анча четда қолган. Шу ва шунга ўхшаш бетонга намли қаровнинг самарали усулларини таргиб қилиш, уларни амалда кенг қўллаш қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишлари сифатини оширишдаги муҳим омиллардан бири хисобланади.

2. Бетон қаровининг намликсиз усуллари.

Кейинги йилларда қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ишларини бажаришда бетон қаровининг намликсиз усули қўлланила бошланди. Бунда янги ётқизилган бетон сиртида плёнка хосил қилувчи турли таркиблар ва полимер плёнкаларидан фойдаланилади. Тажрибадан ўтказилган плёнка хосил қилувчи таркибларга оқ рангли: ПМ-86, ПМ-100, ПМ-100 АМ; қора рангли: этинол лаки, битумли эмульсия, суюлтирилган битумни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Плёнка хосил қилувчи таркиблардан фойдаланиш автомобил йўллари, аэродромлар, сугориш каналларининг копламалари, саноат майдонлари ва шу каби катта, очиқ юзага эга бўлган иншоотлар қурилишида айниқса мақсадга мувофиқ хисобланади.

Плёнка хосил қилувчи таркибларга қўйидаги талаблар қуйилади:

- Улар сочилганда яхши тақсимланиши ва бетон сиртида узлуксиз нам ўтказмайдиган плёнка хосил қилиши, бетон сиртига яхши ёпишиши керак;
- Улар бетон ва арматурани емирмаслиги, заҳарли бўлмаслиги зарур.

Плёнка хосил қилувчи таркиблар бетон сиртидаги сув йўқолиши биланоқ маҳсус машиналар ёрдамида сепиб чиқилади.

Плёнка хосил қилувчи таркиблар ИИИЖБ методикаси бўйича бетон қаровининг самарадорлик коэффиценти ($K_{\text{сам}}$) ни аниқлаш орқали баҳоланади:

$$K_{\text{сам}} \cdot K_{\xi_{\max} - \xi_i}^{i - \xi_i / \xi_{\max} - \xi_0}$$

Бу ерда ξ_0 -янги ётқизилган бетоннинг бугланиш бўлмаган холдаги бошлангич деформацияси, мм/м; ξ_{\max} -қаровсиз холдаги бетоннинг энг катта пластик киришиши (бетоннинг дастлабки 2-3 соат давомидаги киришишига пластик киришиш дейилади), мм/м; ξ_i -текширилаётган плёнка хосил қилувчи таркиб билан химояланган бетоннинг энг катта пластик киришиши, мм/м.

Формуладан кўриниб турибдики бетон қарови самарадорлик кэффицентининг энг катта қийматига ($K_{\text{сам} \cdot k_1}$) ξ_i / ξ_0 бўлган плёнка хосил қилувчи таркибларни қўллашда эришилади.

Бетон қаровининг намликсиз усули хисобланган тайёр нам ўтказмайдиган полимер плёнкаларидан фойдаланиш самарали усуллардан бири хисобланади. Бу усулнинг плёнка хосил қилувчи таркиблардан фойдаланишга нисбатан афзаллиги бетонланган юзаларни дархол, яъни бетонга бошлангич қаров берилмаган холатда плёнкалар билан ураш мумкинлиги хисобланади.

Саноатда ишлаб чиқарилаётган плёнкалар икки хил қалинликда бўлиб, юпка плёнкаларни (қалинлиги 50 мкм гача) бир марта, қалин плёнкаларни эса (қалинлиги 100-300 мкм) 3-5 марта ишлатиш мумкин. Шаффоф плёнкалардан фойдаланиш қотаётган бетонда қуёш радиацияси таъсирида ҳароратлар фарқини ошириб юборади; бу эса салбий оқибатларга олиб келади. Шу сабабли плёнка билан ўрашдан аввал бетон сиртига сув шимувчи материаллар(чиpta, ёгоч қириндиси) тушаш тавсия этилади. Намлик холатидаги бу материаллар бетоннинг юза қатламидаги ҳарорат таъсирида юзага келадиган кучланишларни камайтириш имконини беради.

Хавонинг энг иссиқ даврида бетон сиртини ПТЭФ-ОА, ПТЭФ-ДА типидаги металланган плёнкалар билан ўраш яхши самара беради. Чунки бу плёнкаларнинг қуёш нурини қайтариш коэффициенти 80 % гача бўлиб, бетоннинг қотиши учун қулай бўлган ҳарорат холатини таъминлайди.

Полимер плёнкалари комплекс ёпмалар тайёрлашда ҳам кенг қўлланилади. Бундай ёпмалар қаторига НИИЖБ томонидан таклиф этилган инвентар иссиқ-нам химояловчи ёпмани (рус тилида қисқача ИТВП деб номланади) киритиш мумкин. Техник-иктисодий

тахлиллар ИТВП ни сугориш каналларининг ён четларини бетонлашда қўллаш айниқса самарали бўлишини кўрсатди. Тахланадиган, алоҳида қисмлардан (ўлчами 600x500 см) ташкил топган ИТВП 1976-1977 йиллари Бухоро вилоятидаги «Ромитан», «Авгир», «Хумданак», «Султонобод» каналлари қурилишида муваффақиятли қўлланилган.

ИТВП ни қўллаш тажрибаси унинг бир қатор камчиликларини ҳам аниқлаб берди. Бундай камчиликлар қаторига ИТВП ни тайёрлашнинг қийинлиги, материаллар сарфининг катталигини келтириш мумкин. Шу сабабли кейинги йилларда ИТВП нинг янги варианлари яратилди. Улар полимер варак ва чиптадан иборат бўлиб, конструкциясининг соддалиги, мустахкамлик кўрсаткичларининг юқорилиги, узоққа чидамлилиги, тайёрлашдаги меҳнат сарфининг камлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, бетон қаровининг самарали, илгор усуllibарини қўллаш қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон ва темир-бетондан дан узоққа чидамли бино ва иншоотларни тиклашда мухим аҳамиятга эга.

Мавзу буйича «таянч» сўз ва иборалар:

Намли қаров, бетон сиртида сув қатлами хосил қилиш усули, намликсиз қаров, ИТВП.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Бетонга намли қаровнинг қандай усуllibарини биласиз?
2. Бетон сиртида сув қатлами хосил қилиш усулининг моҳиятини тушунтириңг.
3. Бетон қаровининг намликсиз усулида қандай материаллардан фойдаланилади?
4. Плёнка хосил қилувчи таркибларга қандай талаблар қўйилади?
5. Инвентар иссиқ-нам химояловчи ёпмалар тўгрисида нималарни биласиз?

5-маъруза

Мавзу: Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида яхлит ва йигма темир-бетон конструкцияларда бетоннинг қотиш жараёни

1. Цемент ва бетоннинг қотишига ҳароратнинг таъсири.

Цемент ва бетон мустахкамлигининг ўсиши кўп жихатдан ҳарорат-намлик шароитига боғлиқ бўлади. Бетон мустахкамлигининг ўсиши учун энг қулай шароит бетонни дастлаб паст мусбат ҳароратда сўнгра меъёрий ёки юқори ҳароратда саклаш хисобланади.

Табиий шароитларда бетоннинг қотишини тезлатишга қўйидаги усуllibар орқали эришиш мумкин: активлиги юқори бўлган ва майда туйилган цементлардан фойдаланиш; пластификаторлар ва суперпластификаторлардан фойдаланиш хисобига С/Ц ни камайтириш; цемент сарфини ошириш; қотишини тезлатувчи химиявий қўшимчаларни қўллаш.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра юқори ҳарорат бетоннинг дастлабки мустахкамлигининг ортишига, нихоявий мустахкамлигининг эса камайишига олиб келади.

Бунинг сабаби юқори ҳарорат таъсирида гидратланаётган цемент зарраси атрофида нисбатан зич бўлган қобиқнинг хосил бўлиши натижасида цемент зарраси ичига сувнинг кириши қийинлашиши ва гидратланиш жараёнининг секинлашуви, айрим холларда эса бутунлай тўхтаб қолиши хисобланади.

НИИЖБ даги “Бетоннинг қотишини тезлатиш услублари” лабараториясида янги ётқизилган бетоннинг ҳарорат таъсирида кенгайиши, сиқилиши, пластик киришиши, капилляр босими, бетон таркибидаги сувнинг бугланиш жараёни ўрганилди. Тажрибаларнинг кўрсатишича ҳарорат бетоннинг қотишини тезлатиш билан бирга унинг бошлангич давридаги структурасининг шаклланишига салбий таъсир этади.

Қуруқ-иссик иқлим шароитида цементнинг ушлашиш даврини аниқлаш амалий аҳамиятга эга. Қуйида шу йўналишда ўтказилган тадқиқот натижалари қелтирилган.

Цементларнинг ушлашиш даврини ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши

Цемент тури	Ҳарорат $^{\circ}\text{C}$	Ушлашиш муддати, соат - мин	
		бошланишии	тугатилиши
Портландцемент	70	0-40	0-55
	50	1-00	2-00
	30	1-45	2-45
	15	3-00	6-10
	5	4-45	14-40
	0	8-00	25-35
Шлакопортландцемент	70	1-05	1-45
	50	1-45	2-45
	30	2-15	5-40
	15	3-55	10-45
	5	5-20	23-15
	0	7-45	37-25

Жадвалдан куриниб турибдик ҳароратнинг ортиши цементнинг ушлашиш даври бошланиши ва тугаши оралигидаги муддатнинг сезиларли қисқаришига олиб келади. 1:3 таркибда тайёрланган цемент қоришимасининг ушлашиш муддати цемент бўтқасига нисбатан анча қисқа, бетон қоришимаси учун эса бу муддат янада қисқаради.

Ўтказилган кўп сонли тажрибаларнинг ўртача қийматлари асосида турли турдаги ва маркадаги цементлардан тайёрланган бетонларнинг 1°C дан 40°C гача бўлган ҳароратда мустахкамлигининг ўсишига оид маълумотлар қўйидаги жадвалда қелтирилган. Жадвалдаги натижалар оқувчанлиги (конуснинг чўкиши) 1-3 см бўлган бетон қоришимасидан тайёрланган намуналар асосида олинган.

Қотиши ҳарорати турлича бўлганда бетоннинг сиқилишдаги нисбий мустахкамлигининг ўзгариши.

Цемент тури ва маркаси, бетон маркаси	Бетоннинг қотиши муддатлари, сут	Ўртача қотиши ҳароратининг қўйидаги қийматларида ($^{\circ}\text{C}$) бетоннинг нисбий мустахкамлиги (лоиха мустахкамлигига нисбатан % хисобида)					
		1	5	10	20	30	40
400 маркали портландцемент асосидаги 200-300 маркали бетон	1	5	9	12	23	35	45
	2	12	19	25	40	55	65
	3	18	27	37	50	65	77
	5	28	38	50	65	80	90
	7	35	48	58	75	90	100
	14	50	62	72	90	100	-
	28	65	77	85	100	-	-
500 маркали портландцемент асосидаги 400 маркали бетон	1	8	12	18	28	40	55
	2	16	22	32	50	63	75
	3	22	32	45	60	74	85
	5	32	45	58	74	85	96
	7	40	55	66	82	92	100
	14	57	70	80	92	100	-
	28	70	80	90	100	-	-
400 маркали шлакопортландцемент асосидаги 200-300 маркали бетон	1	3	6	10	16	30	40
	2	8	12	18	30	40	60
	3	13	18	25	40	55	70
	5	20	27	35	55	65	85
	7	25	34	43	65	70	100
	14	35	50	60	80	96	-
	28	40	60	80	100	-	-

Жадвалда келтирилган маълумотлар қуруқ-иссиқ иқлими худудларда табиий шароитда тайёрланадиган яхлит ва йигма темир-бетон конструкциялардаги бетон мустахкамлигини баҳолашда амалий аҳамият касб этади.

2. Бетоннинг қотиши жараёнига бошлангич қаровнинг таъсири.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон мустахкамлигининг ўсишига бошлангич қаров сезиларли таъсир этади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошлангич қаров бўлмаган бетонга кейинги қотиши давомидаги қаров қанчалик пухта олиб борилса ҳам дастлабки сувсизланиш натижасида бетон структурасига етказилган зарарни тўлиқ йўқотиб бўлмайди.

С.А.Миронов ва Е.Н.Малинскийлар томонидан қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон мустахкамлигининг ўсишига бошлангич қаровнинг таъсирини аниқлашга оид бир қатор тажрибалар ўтказилди. Бунда $10 \times 10 \times 10$ см ли бетон намуналар қуёшли очик майдонда турли муддат қаровсиз қолдирилди. Сўнгра уларни 1,2,3 ва х.к. суткадан сунг сувга ботириб қуйилди ва 28 қун давомида сақланди. Эталон намуналар эса 28 қун давомида доимий қаров билан (намланган чипта остида) сақланди. Кузатишлар маълум муддат қаровсиз қолдирилиб, сўнгра сувга ботирилган намуналарда бетоннинг қотиши жараёни яна давом эта бошлаганлигини кўрсатди. 1 сутка қаровсиз қолдирилган бетоннинг ойлик мустахкамлиги R_{28} нинг 82-86 % ини, 2 сутка қаровсиз қолдирилганда 76-80 % ини. 4 сутка қаровсиз қолдирилганда 74-76 % ини ташкил этди. 28 сутка давомида қуёшда қаровсиз қолдирилган

бетоннинг мустахкамлиги R₂₈ нинг 54-56 % ини ташкил этди. Кўриниб турибдики маълум муддатга қаровсиз қолдирилган бетон кейинчалик етарли намлик шароити яратилганда ҳам ойлик мустахкамлик кўрсаткичига яъни доимий қаров остида сақланган эталон намуналар кўрсаткичига эриша олмайди. Бунинг сабаби бошлангич қаровнинг йўқлиги натижасида қотаётган бетон структурасининг бузилишига олиб келувчи деструктив жараёнлар хисобланади. Бошлангич қаровнинг бетоннинг кейинги қотиш жараёнига таъсирини ўрганиш мақсадида маҳсус тажрибалар ўтказилди. Бунда бетон намуналарнинг бир қисми 7 соат давомида бугланишга йул қуйилмаган шароитда, сўнгра 60 сутка давомида табиий шароитда ($t_{k32-43} = 0^{\circ}\text{C}$, $\varphi_{10-28\%}$), намуналарнинг иккинчи қисми эса фақатгина табиий шароитда сақланди.

Намуналарнинг ҳар икки қисмидан 3,10,28 суткадан сўнг бир қисми ажратиб олиниб, сувга ботириб қўйилди. 7 соат давомида қаров берилган, сўнгра қаровсиз қолдирилган бетоннинг ойлик мустахкамлиги R₂₈ нинг 63 % ини, доимий қаровсиз қуруқ-иссиқ об-ҳаво шароитида сақланган бетон эса R₂₈нинг фақатгина 40 % ини эгаллади. Бошлангич қаров берилиб сўнгра 3,10 суткадан сўнг сувга ботириб қўйилган намуналарнинг 28 кунлик мустахкамлиги R₂₈нинг 85-82 % ини, бутунлай қаровсиз сақланган ва 3,10 суткадан сўнг сувга ботириб қўйилган намуналарнинг 28 кунлик мустахкамлиги эса R₂₈нинг 65-56 % ини ташкил этди. Табиий шароитда қотган бетонларнинг 60 суткадан сўнг олган мустахкамлиги ойлик мустахкамлигидан деярли фарқ қилмаган бўлса, маълум муддатдан сўнг сувга ботириб қўйилган бетонларда қотиш жараёнининг давом этганлиги кузатилди. Бу эса қуруқ-иссиқ иқлим шароитида маълум муддат қаровсиз қолдирилган бетонларнинг мустахкамлигини кейинги бетон қаровини пухта ташкил этиш йўли билан маълум даражада ошириш имконияти борлигини кўрсатди.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

бетоннинг қотишини тезлатиш усууллари, ҳароратнинг таъсири, бошлангич қаровнинг таъсири.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бетоннинг қотишини тезлатиш усууларининг можиятини тушунтиринг.
2. Цементларнинг ушлашиш даврига ҳарорат қандай таъсир этади?
3. Турли ҳароратда бетон мустахкамлиги қандай ўзгаради?
4. Бетоннинг мустахкамлигига бошлангич қаров қандай таъсир этади?
5. Бошлангич қаров таъсирини ўрганиш учун қандай тажрибалар ўтказилган?

6-маъруза

Мавзу: Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг иссиқбардошлиги

1. Даврий қизиш жараёнида бетон структураси, мустахкамлиги ва совуқбардошлигининг ўзгариши.

Турли шароитларда фойдаланиладиган бетонларнинг ҳоссаларига даврий қизиш ва совишининг таъсирини ўрганишга оид кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Бунга А.И.Кикин, А.В.Путанс, Р.И.Аронов, И.Ф.Ципенюк томонидан ўтказилган тажрибаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бетоннинг структураси ва мустахкамлигига даврий қизишнинг таъсирини ўрганган Ю. М. Баженов қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг чидамлилигини иссиқбардошлик коэффициенти (K_{ib}) орқали баҳолашни таклиф этди ва уни аниқлаш услубини ишлаб чиқди. Унга кўра иссиқбардошлик коэффициентининг қиймати R_c/R_{et} нисбат асосида аниқланади. Бунда R_c -бетоннинг тегишли синовдан кейинги мустахкамлиги; R_{et} -эталон, яъни меъёрий шароитда сақланган бетоннинг мустахкамлиги.

НИИЖБ да А.С.Дмитриев томонидан ўтказилган тадқиқотлар даврий қизиш бетоннинг мустахкамлигидан хам кўра унинг совуқбардошлигига кўпроқ таъсир этишини кўрсатди. Химиявий қўшимчалар қўшилмаган ва совуқбардошлиги 300 га тенг бўлган бетон 20 °C дан 70 °C гача бўлган ҳароратда 50 марта қиздириб совитилгандан сўнг аниқланган совуқбардошлиги 25 ни ташкил этган холос. Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида конструкция ва иншоотларнинг очиқ бетон юзалари ёз пайтида кундузлари қуёш радиацияси таъсирида 60-80 °C гача қизиши, тунлари эса 15-20 °C гача совишини эътиборга олинса ўтказилган тадқиқот натижалари шубхасиз амалий аҳамият касб этади.

НИИЖБ да ўтказилган тадқиқотлар бетон структурасининг бузилиши асосан даврий қизишлар сони 30 дан 60 гача бўлган оралиқда юз беришини кўрсатди. Тадқиқотлар даврий қизиш жараёнида бетонда бир-бирига қарама-қарши бўлган конструктив ва деструктив жараён руй беришини, дастлабки даврий қизиш давомида (тажрибаларда 30 гача) конструктив жараён деструктив жараёндан устунлик қилишини кўрсатди. Даврий қизишлар сони 30 дан ортганда бетон таркибидаги намлик деярли қолмайди ва бетон структурасининг сезиларли даражада бузилиши юзага келади яъни бу даврда деструктив жараён конструктив жараёндан устунлик қиласди. Даврий қизишлар сони 60 дан ортганда бетон структурасидаги бузилишлар ўз нихоясига етади ва кейинги даврий қизишлар бетон таркибida қўшимча зўриқишиларни юзага келтирмайди.

Тадқиқотлар қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг иссиқбардошлигини унинг сиқилишдаги мустахкамлигининг ўзгариши орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Сабаби бетон структурасининг бузилиши унинг мустахкамлик кўрсаткичларида яққол кўзга ташланмайди. Чунки даврий қизишлар сони 30 гача бўлганда бетон мустахкамлигининг ўсиши, 30 дан 60 гача бўлганда камайиши, 60 дан ортганда эса ўзгармай қолиши кузатилган.

Бетон структурасидаги бузилишлар даражаси совуқбардошликтек синалганда аниқ күринади. Шу сабабли қуруқ-иссиқ иқлим шароитида иссиқбардошликтек коэффициентини қуидагича аниқлаш тавсия этилди:

$$K_{иб} K_M / M_{эт}$$

бу ерда M_c - тегишили даврий қизиш ва совишдан сўнг синалган бетоннинг совуқбардошлиги, $M_{эт}$ - эталон яъни меъёрий шароитда сақланган бетоннинг совуқбардошлиги.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида оғир бетоннинг иссиқбардошликтек коэффициентини даврий қизишлар сони камида 60 га етгандан сўнг аниқлаш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Даврий қизишлар сони 60 дан ортгандан сўнг К.и.б нинг қиймати ўзгаришсиз қолишини назарда тутиб қуруқ-иссиқ иқлим шароитида (даврий қизиш ва совиши музлаш ва эриш таъсирида) оғир бетоннинг узоққа чидамлилигини иссиқ-совуқбардошликтек ИСБ деб номланувчи кўрсаткич орқали баҳолаш тавсия этилди. ИСБ умумий холатда қуидагича ифодаланади:

$$ИСБ \leq m K_n$$

бу ерда m - бетон структурасидаги бузилишлар нюхоясига етадиган даврий қизишлар сони (тажриба натижаларига кўра оғир бетон учун ($m \geq 60$); n -бетоннинг сикилишдаги мустахкамлиги 15% дан камаймаган холдаги музлаш ва эришларнинг энг катта сони.(совуқбардошлиқ)

Демак қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг узоққа чидамлилиги n нинг қиймати билан ҳарактерланади. Масалан, бетон 60 марталик даврий қизишдан сўнг 80 марта музлаш ва эришга бардош берган бўлса ИСБ қуидагича ифодаланади:

$$ИСБ \leq 60 K_80 (140 \text{ деб ёзилмайди})$$

Енгил бетонлар учун совуқбардошликтекнинг стабиллашиши даврий қизишлар сони 70-75 бўлганда юзага келади. Шу сабабли бундай бетонлар учун ИСБ ни аниқлашда $m \geq 75$ деб қабул қилиниши мумкин.

2. Бетоннинг иссиқ-совуқбардошлилигига турли омилларнинг таъсири

a) ИСБ га портландцемент минерал таркибининг таъсири

Портландцементнинг гидратланиш жараёнида хосил бўладиган гидросульфоалюминат кальций ($3CaO \cdot Al_2O_3 \cdot 3 CaSO_4 \cdot 32H_2O$) нинг тургунлиги кўп жихатдан клинкер таркибидаги 3 кальцийли алюминат ($3CaO \cdot Al_2O_3$) нинг миқдорига бўглиқ бўлади. Маълумки оддий портландцементнинг совуқбардошлиги C_3A нинг миқдори чекланган сульфатбардошли портландцементга нисбатан кам бўлади. Портландцемент минерал таркибининг ИСБ га таъсирини ўрганиш мақсадида НИИЖБ да маҳсус тажриба ўтказилди. Бунда таркибида C_3A миқдори 8 %бўлган Воскресенск заводининг портландцементи ва

таркибида С₃А миқдори 3,5 % бўлган Охангарон заводининг сульфатбардошли портландцементи асосида бетон намуналар тайёрланиб, 28 кун давомида меъёрий шароитда сақланди; сўнгра ИСБ га синаб кўрилади. Сульфатбардошли портландцемент асосидаги бетон учун С/Цк0,7 бўлганда ИСБ₆₀К90, С/Цк0,4 бўлганда ИСБ₆₀К300 ни ташкил этган бўлса, Воскресенск заводининг портландцементи асосидаги бетон учун С/Цк0,7 бўлганда ИСБ₆₀К55, С/Цк0,4 бўлганда ИСБ₆₀К60 ни ташкил этди.

Куриниб турибиди таркибида С₃А миқдори кам бўлган портландцементлар асосидаги бетонлар қуруқ-иссиқ иқлим шароитида нисбатан узокқа чидамли хисобланади. Шу сабабли бундай шароитларда қўлланиладиган портландцементлар таркибида С₃А миқдори 5-6 % дан ортиб кетмаслиги тавсия этилади.

б) ИСБ га йирик тўлдирувчиларнинг таъсири

Бетон таркибига қўшиладиган тўлдирувчининг тури, миқдори ва йириклик даражасининг ИСБ га таъсирини ўрганишмақсадида НИИЖБ да маҳсус тажрибалар ўтказилди. Йирик тўлдирувчи сифатида ўлчами 5-20 мм бўлган оҳактошли ва гранитли чақиқтош ишлатилди. Ҳар икки холда ҳам тўлдирувчилар сарфи бир хил қилиб олинди. Тажриба натижалари тўлдирувчиларнинг тури ИСБ га сезиларли таъсир этишиникўрсатди. Гранитли чақиқтош ишлатилган бетонда ИСБ₆₀К50 ни, оҳактошли бетонда эса ИСБ₆₀К125 ни ташкил этди.

Говакли тўлдирувчиларнинг ИСБ га таъсирини ўрганиш учун керамзитбетондан ва гранит чақиқтошли бетондан намуналар тайёрланди. Богловчи материал сифатида Охангарон заводининг сульфатбардошли портландцементи ишлатилди. Ҳар икки холда ҳам тўлдирувчилар сарфи бир хил қилиб олинди. Тажриба натижалари керамзитли енгил бетонда ИСБ₆₀К155, оғир бетонда эса ИСБ₆₀К110 га teng бўлишини кўрсатди. Кўриниб турибиди қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда катта юзага эга бўлган очиқ ер усти конструкцияларидаги бетонларда чақиқтошнинг йириклиги 10-20 мм дан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилади.

ИСБ га йирик тўлдирувчининг миқдори қай тарзда таъсир этишини аниқлаш максадида ўтказилган тажрибалар йирик тўлдирувчи миқдорининг ортиши ИСБ нинг камайишига олиб келишини кўрсатди.

Тўлдирувчининг йириклик даражаси ҳам ИСБ га ўз таъсирини ўтказади. Йириклик даражасининг ортиб бориши ИСБ миқдорининг камайишига олиб келади. Шу сабабли қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда катта юзага эга бўлган очиқ ер усти конструкцияларидаги бетонларда чақиқтошнинг йириклиги 10-20 мм дан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилади.

в) ИСБ га химиявий қўшимчаларнинг таъсири

Қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда бетоннинг узокқа чидамлилигини оширишда энг самарали усувлардан бири пластиковчи, пластиковчи ҳавони жалб қилувчи ва комплекс қўшимчалардан фойдаланиш хисобланади.

Пластиковчи қўшимчалар қўшилганда ИСБ нинг ортиши С/Ц ўзгармаган холда сув ва цемент сарфининг камайиши, бетоннинг қориши мақоми структурасининг зичлашиши, бетондаги киришиш деформацияларининг камайиши билан изохланиши мумкин. Шу сабабли қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда очик ер усти конструкциялари ва иншоотлари учун бетон қоришмаси тайёрлашда юза-актив қўшимчалардан фойдаланиш тавсия этилади.

г) ИСБ га бетон қаровининг таъсири

Бетонга етарли қаров бўлмаган холларда дастлабки қотиш жараёнида юзага келадиган бетоннинг пластик киришиши ИСБ нинг сезиларли камайишига олиб келади. Чунки пластик киришиш натижасида бетон структурасида майда дарзлар хосил бўлади. Пластик киришишни камайтириш имконини берувчи бетон қаровининг самарали усусларидан фойдаланиш ўз навбатида ИСБ нинг ортишига олиб келади. Бу борада ўтказилган тажрибалар бетон қарови давомийлигининг ортиши ИСБ микдорининг ортишига олиб келишини кўрсатди. Масалан С/Ц_к0,55 бўлган ва қаров берилмаган бетон учун ИСБ_к60К125 бўлса, 7 кун давомида қаров берилган худди шу бетон учун ИСБ_к60К230 ни ташкил этади. Тажриба натижалари $R_{k_p}^{kp}$ 55-70% бўлганда берилган таркибдаги бетон учун ИСБ микдори амалдаги энг юқори қийматга эга бўлишини кўрсатди.

Шундай қилиб, қуруқ-иссиқ иқлим шароитидаги кейинги бетон қарови бетоннинг лойиха мустахкамлигини ва энг юқори ИСБ ни таъминлаши учун бетон мустахкамлиги $R_{k_p}^{kp}$ га етгунга қадар давом эттирилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ИСБ қуруқ-иссиқ иқлимли худудларда бетоннинг узоққа чидамлилигини баҳолашдаги энг асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

даврий қизишнинг таъсири, иссиқбардошлиқ, иссиқ-совуқбардошлиқ, ИСБ га таъсир этувчи омиллар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Бетонга даврий қизиш қандай таъсир ўтказади?
2. Иссиқбардошлиқ деганда нимани тушунасиз?
3. Иссиқ-совуқбардошлиқ қандай аниқланади?
4. Бетоннинг иссиқ-совуқбардошлилига таъсир этувчи омилларни тушунтиринг.

7-маъруза.

Мавзу: Қишиш шароитида бетон ишларини бажариш

1. Манфий ҳароратнинг ишлар технологияси ва ташкил этилишига таъсири.

Ўртача суткалик ҳарорат K_5 0C дан паст ва сутка давомида 0 0C дан пасайиб турадиган холатга қишиш шароити дейилади. Ҳарорат 0 0C дан паст бўлганда бетон қоришмаси таркибидаги сув музлайди, цементнинг гидратланиш реакцияси ва ўз навбатида бетоннинг қотиш жараёни тўхтайди. Музлаганда сувнинг хажми 9% га ортади ва бетон структурасининг бузилишига олиб келади. Мусбат ҳарорат таъсирида бетон таркибидаги музлаган сув эригач, бетоннинг қотиш жараёни яна давом этади. Агар музлай бошлаган пайтда бетон маълум даражада етарли мустахкамлик олган бўлса, эригандан сўнг лойиха мустахкамлигига эришиши мумкин. Бетоннинг музлашига йўл қўйиладиган бу энг кичик мустахкамлик критик мустахкамлик дейилади. Критик мустахкамлик 100-150 марка бетонлар учун лойиха мустахкамлигининг камида 50 % ини, 200-300 марка бетонлар учун камида 40 % ини, 400-500 марка бетонлар учун камида 30 % ини, аввалдан зўриқтирилган арматурали конструкциялар учун камида 70 % ини ташкил этади ва ҳар қандай холда ҳам 5 МПа дан кам бўлмаслиги керак.

Қишиш шароитида бетон ишларини бажаришда бетоннинг критик ёки лойиха мустахкамлигини таъминловчи ҳарорат-намлик шароитини яратиш керак. Шу мақсадда турли усуллардан: бетонни қиздирилмайдиган усуллар, сунъий қиздириш усуллари ва ҳар икки усулни биргаликда қўллаш (комбинациялашган) усулларидан фойдаланилади.

Қишиш шароитида тайёрланадиган қоришманинг ҳарорати мусбат бўлиши зарур. Бунинг учун музлаган тўлдирувчилар эритилади ва қўшиладиган сўв 50...90 0C гача қиздирилади. Бетон қоришмаси оқувчанлигининг камайиб кетмаслиги, цементнинг ушлашиши муддатидан аввал бошланмаслиги учун бетон қориширгичдан чиқиш пайтида бетон қоришмасининг ҳарорати 45 0C дан ошиб кетмаслиги керак. Апалубкага жойлаштирилаётган пайтдаги бетон қоришмасининг ҳарорати қиздирилмайдиган усулларда хисоб буйича аниқланади; сунъий қиздириш усулларида эса K_5 0C дан кам бўлмаслиги керак. Бетон қоришмасининг тайёрлашда қоришмани ташиш жараённида ҳароратнинг пасайиши эътиборга олиниши керак.

Қишиш шароитида яхлит бетон ва темир-бетон конструкцияларни тиклаш тегишли тайёргарлик ишларини талаб этади. Бетон қоришмасини жойлаштиришдан аввал опалубка ва арматуралар қор ва муздан тозаланади, очик юзалар брезент ёки плёнка билан ўралади. Ҳаво ҳарорати -10 0C дан паст бўлганда диаметри 25 мм дан катта бўлган арматуралар, прокат профилли арматуралар ва йирик пайвандаш деталлари иссиқ ҳаво ёрдамида мусбат ҳароратгача қиздирилади.

2. Бетонни қиздирилмайдиган усуллар

Қишиш шароитида бетон ишларини бажаришда қўлланиладиган бетонни қиздирилмайдиган усуллар қаторига термос усули ва химиявий қўшимчалардан фойдаланиш киради.

a) *Термос усули*

Термос усули бетон қориши масини тайёрлаш жараёнида хосил қилинадиган иссиқлик ва цементнинг қотиши жараёнида (экзотермик реакция натижасида) ажралиб чиқадиган иссиқликдан фойдаланишига асосланган. Ҳарорати $25\ldots45^{\circ}\text{C}$ бўлган бетон қориши маси опалубкага жойлаштирилади ва дархол иссиқ химояловчи материаллар билан ўралади. Юқорида кўрсатилган иккита иссиқлик манбаи асосида бетоннинг қотиши жараёни тезлашади ва музлагунга қадар бетон зарурий (критик) мустахкамликни эгаллайди. Бетоннинг совиши интенсивлиги конструкция кўлами (массивност) га боғлиқ бўлиб, юза модули билан ҳарактерланади. Конструкциянинг юза модули (M_{io}) совийдиган юзалар йигиндиси (A) нинг конструкция хажми (V) га нисбати билан аниқланади:

$$M_{io} \propto A/V$$

Термос усулини исталган турдаги конструкцияларда қўллаб бўлмайди. Унинг қўлланилиш чегараси юза модули $M_{io} \approx 6\ldots8$ бўлган конструкцияларга тўгри келади. Бундай конструкциялар қаторига устунсимон ва лентасимон пойдеворлар, қалинлиги 0,25 м дан ортиқ бўлган деворларни киритиш мумкин.

Бетоннинг хисобий мустахкамлигининг таъминловчи зарурий иссиқлик тартиби параметрлари Б.Г. Скрамтаев томонидан таклиф этилган иссиқлик баланси формуласи асосида аниқланади. Бу формула қуйидагича ифодаланади:

$$C_x(t_{6,6}-t_{6,0})KQ_9\bar{C}_kKM_{io}T(t_{6,up}-t_{mx})$$

бу ерда, C_x -бетоннинг хажмий иссиқлик сигими, $2514 \text{ КДЖ}/\text{м}^3$ деб қабул қилинади; $t_{6,6}$ -ётқизилган бетон қориши масининг бошлангич ҳарорати, ${}^0\text{C}$; $t_{6,0}$ -бетоннинг совиши охиридаги ҳарорати, ${}^0\text{C}$, музлашга қарши қўшимчалар ишлатилмаганини камида $K_5 {}^0\text{C}$ деб қабул қилинади;

Q_9 -бир килограмм цементдан қотиши даврида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори, $\text{КДЖ}/\text{кг}$, маълумотномалар асосида қабул қилинади;

\bar{C}_k - 1 м^3 бетон қориши маси учун цемент сарфи, кг;

К-опалубка ва иссиқлик химояловчи қатламнинг иссиқлик узатиш коэф-ти, $\text{kВт}/(\text{м}^2, {}^0\text{C})$;

M_{io} -юза модули, $\text{м}^2/\text{м}^3$

Т-бетоннинг хисобий мустахкамликни эгаллагунга қадар совиши давомийлиги, соат;

$t_{6,up}$ -бетоннинг совиши давридаги ўртacha ҳарорати, ${}^0\text{C}$

t_{mx} -ташқи ҳаво ҳарорати, ${}^0\text{C}$.

$t_{6,up}$ нинг қиймати қуйидаги эмпирик формула орқали аниқланади:

$$t_{6,up} = t_{6,0} + K(t_{6,6}-t_{6,0}) / 1,03K_0,181M_{io}K_0,006(t_{6,6}-t_{6,0})$$

Иссиқлик баланси формуласидан иссиқлик узатиш коэффиценти (K) нинг зарурий миқдори аниқланади:

$$K_kC_x(t_{6,6}-t_{6,0})KQ_9\bar{C}_k/M_{io}T(t_{6,up}-t_{mx})$$

Ушбу формуладаги T нинг қиймати цементнинг тури ва маркасига, бетоннинг совиши давридаги уртacha ҳароратига боғлиқ булиб, тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган бетон мустахкамлиги ўсишининг эгри чизиқлари асосида аниқланади.

Иссиқлик узатиш коэффиценти (K) нинг топилган қиймати асосида опалубка ва иссик-химояловчи қатлам материалы (унинг қалинлиги) танланади:

$$K \propto 1/(1/\alpha K \sum_i^n \delta_i / \lambda_i)$$

бу ерда α -түсиқ (опалубка) ташки сиртининг иссиқлик узатиш коэффиценти (шамол тезлигини хисобга олган холда), $\text{kBt}/(\text{м}^0\text{C})$; δ_i -түсиқ (опалубканинг) ҳар бир қатлами қалинлиги, м; λ_i - ҳар бир қатламдаги материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{kBt}/(\text{м}^0\text{C})$;

б) Химиявий қўшимчалардан фойдаланиши

Бетон қориши масини тайёрлаш жараёнида қўшиладиган химиявий қўшимчалар бетоннинг қотишини тезлаштиради. Унча катта бўлмаган миқдорда (цемент массасига нисбатан 0,5...3%) қўшиладиган қўшимчалар қотишини тезлаштирувчи қўшимчалар деб номланади. Бундай қўшимчалар сифатида хлорид кислотаси HCl , калций хлор CaCl_2 , натрий хлор NaCl ва натрий нитрит NaNO_2 ишлатилади. Арматураланган конструкцияларда натрий нитритдан фойдаланиш тавсия этилади, чунки хлор тузлари арматурани емириш хусусиятига эга.

Катта миқдорда (цемент массасига нисбатан 3...15%) қўшиладиган химиявий қўшимчалар бетон қориши маси таркибидаги сувнинг музлаш ҳароратини пасайтиради ва манфий ҳароратда ҳам цемент гидратациясининг давом этишини таъминлайди. Бундай қўшимчалар музлашга қарши қўшимчалар деб номланади. Бундай қўшимчалар сифатида натрий хлор ва калций хлор аралашмаси – $\text{NaCl} \& \text{CaCl}_2$ (3% $\text{K}0\%$ дан 3% $\text{K}7\%$ гача), натрий нитрит NaNO_2 (4...10%), поташ K_2CO_3 (5...15%) дан фойдаланилади. Цемент массасига нисбатан 15 % поташ қўшилган бетоннинг қотиши жараёни минус 25^0C ҳароратда ҳам давом этади. Поташ қўшилганда бетон қориши маси жуда тез қуюқлашади ва қориshmани опалубкага жойлаштириш қийинлашади. Шу сабабли поташ билан биргаликда қориshmанинг қулай жойлашувчанлигини яхшиловчи ССБ (цемент массасига нисбатан 3 % гача) қўшимчасини ишлатиш тавсия этилади. Катта миқдорда (цемент массасига нисбатан 10...15%) химиявий қўшимчалар қўшилган бетонларни совук бетонлар деб номланади. Бундай бетонлар асосан таркибида арматура бўлмаган конструкцияларда (айрим пойдеворлар, пол ости тўшамалари ва ш.к.) қўлланилади. Бундай бетонларда қотиши жараёни секин кечади ва 28 кунлик мустахкамлиги лойиха мустахкамлигининг 50 % идан ортмайди.

3.Бетонни сунъий қиздириш усуллари

Бетонни сунъий қиздиришда электр энергиясидан (электротермик ишлов бериш), бугдан (буғли қиздириш) фойдаланилади.

Электротермик ишлов бериш қурилишда энг кўп қўлланилайдиган услуб хисобланади. Бу услуб юза модули 6...20 бўлган конструкцияларда яхши самара беради. Электротермик ишлов беришнинг электродли қиздириш усули қиши шароитида бетонлашнинг асосий

усулларидан бири хисобланади. Бу усул электр токининг янги ётқизилган бетондан утиши натижасида электр энергиясининг иссиқлик энергиясига айланишига асосланган.

Стерженли электродлар диаметри 6...10 мм бўлган арматура қирқиндилаидан тайёрланиб, бир-биридан 20...40 см масофада ўрнатилади. Электродлар ва арматуралар орасидаги масофа кучланишга bogliq равишда 5...50 см дан кам бўлмаслиги керак. Ўрнатилган электородлар ўзгарувчан ток манбаига уланади. Бетон қотиб борган сари унинг электр қаршилиги ортиб боради. Шу сабабли қиздириш босқичли трансформатор ёрдамида амалга оширилади. Дастреб бетон паст кучланишда (50...60 В) қиздирилиб, сўнгра кучланиш ошириб борилади (100 В гача). Таркибида арматураси кам бўлган конструкцияларни 127 В кучланишда қиздириш мумкин.

Бугли қиздириш усули бетоннинг қотиши учун жуда яхши шароит яратади. Бунда конструкция атрофи фанера билан ўралгач, фанера билан опалубка оралигига буг юборилади.(0,05...0,7 МПа босимда). Бу усул қиздириладиган юзаси катта бўлган конструкцияларда яхши самара беради. Аммо бу усул буг сарфининг катталиги (1 м^3 бетон учун 0,5...2 м) ҳамда материаллар сарфининг кўплиги сабабли жуда кам қўлланилади.

Хаволи қиздириш усулида бутун иншоот ёки унинг бир қисми тахта ёки фанерали тўсиклар, брезент ёки полимер плёнкалари билан ўралиб иссиқхона хосил қилинади. Иссиқхонадаги ҳаво бугли, электрли ва газли калориферлар ёрдамида қиздирилади. Ўровчи материал сифатида шаффоф полимер плёнкаларидан фойдаланиш айниқса самарали хисобланади. Чунки қуёш радиацияси таъсирида иссиқхонадаги ҳаво ҳарорати кўтарилади ҳамда иссиқхонани табиий ёргулек билан таъминлаш мумкин бўлади. Иссиқхонадаги ҳаво ҳарорати K_5^0C дан кам бўлмаслиги керак, акс холда бетоннинг қотиши секинлашади. Бу усулдан қиши шароитида бетон ишларини бажаришда юкорида санаб ўтилган усулларни қўллаш имконияти бўлмаган холларда фойдаланилади.

Мавэу бўйича «таянч» сўз ва иборалар:

қиши шароити, критик мустахкамлик, термос усули, химиявий қўшимчалардан фойдаланиш, сунъий қиздириш усуллари.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қиши шароити нима ва у бетоннинг қотишига қандай таъсир этади?
2. Бетоннинг критик мустахкамлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Термос усулнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Қиши шароитида бетон ишларини бажаришда қандай химиявий қўшимчалар ишлатилади?
5. Бетонни сунъий қиздириш усуллари қандай турларга бўлинади?

Мавзу: Грунт шароити мураккаб бўлган холларда қурилиш ишларини бажариш

1. Умумий маълумотлар

Мураккаб грунт шароити деганда қурилиш майдонида нотургун структурали, яъни маълум шароитларда табиий структураси кескин бузиладиган грунтлар мавжуд бўлган холат тушунилади. Бундай грунтлар қаторига упирорувчан, кенгаювчан, шўрлашган, тўкилган, ўта сиқилувчан ва абадий музлаган грунтларни киритиш мумкин.

Бино ёки иншоотнинг асоси нотургун структурали грунтлардан иборат бўлган холларда бундай грунтларнинг физик-механик хусусиятларини аввалдан яхшилаш, пойдеворларнинг жойлашиш чуқурлигини ортириш, ер ости иншоотларини тиклашда алоҳида услублардан фойдаланиш талаб этилади.

Нотургун структурали грунтларнинг хоссаларини аввалдан яхшилашга уларнинг деформацияланувчанлигини камайтириш; зичлигини, мустахкамлигини, сувбардошлигини ортириш йўли билан эришилади. Бундан ташқари бино ёки иншоотни тиклаш жараёнида ўпирорувчан, кенгаювчан ва шўрлашган грунтларнинг хўлланиш эҳтимоллигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Нотургун структурали грунтларда ер ости иншоотларини тиклашда қурилиш-монтаж ишларини соддалаштириш имконини берувчи “грунтдаги девор” ёки “тушуриладиган қудуқлар” каби услублардан фойдаланилади.

Нотургун структурали грунтларнинг физик-механик хусусиятларини яхшилаш, бино ва иншоотнинг “грунтдаги девор” ёки “тушуриладиган қудуқлар” услубида тиклаш ишлари маҳсус ишлаб чиқилган лойихалар ва технологик ҳариталар асосида амалга оширилади.

2. Бўш грунтларни зичлаш

Зичлаш деганда статик ёки динамик юкланишлар таъсирида грунтларнинг физик-механик хусусиятларини ўзгариш жараёни тушунилади.

Грунтларни зичлаш икки турга, яъни юзавий зичлаш ва чукур зичлашга булинади. Грунтларни зичлаш ишлари таркибига тайёргарлик, ёрдамчи ва асосий жараёнлар киради.

Тайёргарлик жараёни таркибига ишчи хандақлар ва зовурларни қазиш, грунтларни тажрибавий зичлаш ва аввалдан хўллаш ишлари киради. Тажрибавий зичлаш ишлари зичланадиган юзанинг пасайиш миқдорини, зарурий зарбалар сонини, зичланадиган қатлам қалинлигини, грунтнинг қўшимча намлашнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида бажарилади. Грунтларни аввалдан хўллаш грунт зарралари орасидаги бoggанишини бўшаштириш мақсадида бажарилади. Ёрдамчи жараёнлар таркибига шпур ва скважиналарни хосил қилиш ишлари киради.

Грунтларни юзавий зичлаш шиббалаш йўли билан амалга оширилади. Шу мақсадда механик шиббалагичлар, ўзи юрар шиббаловчи машиналар ҳамда огирилиги 1...15 т ва диаметри 1...3,5 м бўлган огир шиббалагичлардан фойдаланилади. Зичланадиган қатламнинг чегаравий қиймати механик шиббалагичлар учун 0,4 м ни, шиббаловчи машиналар учун 1,2 м ни, огир шиббалагичлар учун 2...6 м ни ташкил этади.

Огир шиббалагич ёрдамида грунтни зичлаш шиббалагични 5...10 м баландликдан эркин ташлаш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун кран ва эксковатор-драглайнлардан фойдаланилади. Мавжуд бино ва иншоотларни динамик таъсирлардан саклаш учун улардан зичланадиган майдонгача булган масофа камида 10 м бўлиши керак.

Огир шиббалагичлардан фойдаланилганда грунтларнинг зичланиш чуқурлиги такрибан қуйидаги формула ёрдамида хисобланиши мумкин:

$$h_{\text{зич}} \leq kd$$

бу ерда d -шиббалагичнинг диаметри, м; k -супес ва суглинок учун 1,8 га, соз тупроқ учун 1,5 га тенг деб қабул қилинадиган коэффициент.

Титратиш ва титратиб зарба бериш йули билан бодланиш кучи кам бўлган сувга тўйинган грунтлар зичланади. Грунтни зичлаш бир-бирига параллел ва бир-бирини 0,2 м га ёпиб ўтувчи полосалар тарзида амалга оширилади. Грунтнинг зарурый зичликнинг эгаллаши учун кетадиган вақт тебранишлар частотаси ва амплитудасига бодлик равишда аниқланади.

Грунтларни чукур зичлаш, титратиш, портлатиш, тўлгазиладиган скважиналар, ҳўллаш, статик юкланиш билан сиқиши усуслари ҳамда шу усусларни биргаликда қўллаш орқали амалга оширилади.

Титратиб зичлашда чукур титратгичлар ва титратиб-чўқтиргичлар воситасида сувга тўйинган грунтлар зичланади.

Портлатиш усулида бодланмаган ва кам бодланган грунтлар зичланади. Бунинг учун зичланадиган грунтда чуқурлиги 1,3...1,5 м бўлган хандақ қазилиб, сув билан тўлгизилади. Массаси, 5...15 кг бўлган портловчи моддалар хандақ тубидан 0,4 м баландликка шахмат тартибида 0,6...1,2 м оралиқда жойлаштирилади. Грунтларни зичлашиш чуқурлиги 1...4 м ни ташкил этади. Иккинчи усуlda зичланадиган грунтда скважиналар қазилади. Сунгра портловчи моддалар (5...12 кг) скважиналарга оралатиб жойлаштирилади. Портлаш натижасида грунтнинг зичлашиши заряд жойлашган чуқурлик (3 м ва ундан ортиқ) ва ундан пастки сатхларда юзага келади.

Тўлгазиладиган скважиналар усулида бўз тупроқли (лёссимон) ва тўкилган соз тупроқли грунтлар зичланади. Бунинг учун грунтда диаметри 0,3...1 м бўлган скважиналар қазилади. Сўнгра қазилган скважиналар қаттиқ грунт билан қатламлаб, зичлаб тўлгазиб чиқилади.

Узоқ таъсир этувчи статик юкланиш билан сиқиши усулида буш ва сувга туйинган грунтлар зичланади.

3. Грунтларнинг мустахкамлигини ошириш

Грунтларнинг мустахкамлигини ошириш усуллари сувни ёки газни яхши ўтказиш хусусиятига эга бўлган грунтларда қўлланилади. Бундай усуллар қаторига силикатлаш, смолалаш, цементлаш, битумлаш, электрохимиявий ва термик мустахкамлаш усуллари киради.

Силикатлаш усулида грунт ичига натрий силикат эритмаси (суюқ шиша) юборилади ва грунт таркибида тузлар эритмаси билан химиявий бирикиш юзага келади. Бу усул сувни яхши ўтказадиган (фильтрлаш коэффиценти 2...80 м/сут) грунтларда қўлланилиб, бунда грунтнинг мустахкамлиги 1,5...3 мПа гача етади. Смолалаш усулида грунт ичига карбамидли ёки фенолли смола ва хлорид кислотаси (HCl) юборилади. Цементлаш ёрдамида йирик говакли грунтлар мустахкамланади. Бунда грунт таркибидаги говакликлар 0,2...1,5 МПа босим остида юборилган цемент қоришимаси билан тўлгазилади. Битумлаш цементлаш усулини қўллаш қийинлашган холларда ишлатилади. Электрохимиявий усулда грунт ичига токнинг ўтказувчанлигини оширувчи химиявий қўшимчалар (натрий силикат, калций хлор) юбориш билан бирга грунт орқали 50...100 В кучланишга эга бўлган доимий электр токи ўтказилади. Натижада грунт қурийди, зичлашади ва мустахкамлиги ортади.

Термик усул буз тупроқли ва соз тупроқли грунтларни (грунт сувлари сатхидан юқорида жойлашган холларда) мустахкамлашда қўлланилади. Бунда дастлаб грунтда диаметри 100...200 мм бўлган скважиналар хосил қилинади. Скважинанинг юқори қисмига ҳаво ўтказмайдиган қурилма ва ёниш камераси ўрнатилади. Ёниш камерасига суюқ ёки газ холидаги ёқилги ва 0,015...0,025 МПа босимда ҳаво юборилади. Аланга ва иссиқ газлар таъсирида скважина деворларидағи грунт пишиб, қаттиқ холга келади Грунтни пишириш 5...10 кун давом этади, сўнгра қурилмалар йигиштирилиб олинади ва скважина ичи маҳаллий грунт билан тўлгазиб чиқилади.

4. Ер ости иншоотларини тиклашнинг “грунтдаги девор” услуби

Ер ости иншоотлари, уларнинг жойлашиш чукурлиги ва гидрологик шароитларга боғлик равишда турли услубларда тикланиши мумкин. Шундай услублардан бири “грунтдаги девор” услуби хисобланади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда дастлаб грунтда яхлит ёки йигма темир-бетондан ер ости иншоотнинг ўровчи девор конструкциялари хосил қилинади; сунгра бу деворлар химоясида иншоотининг ўрта қисмидаги грунт қазиб олинади ва ички конструкциялар хосил қилинади. Амалиётда деворларнинг икки хил тури қўлланилади:

- 1) Ёнма-ён жойлашадиган ва бургилаб тўлдириладиган устун қозикли деворлар;

2) яхлит бетондан (темир бетондан) ёки йигма темир-бетон панеллардан ташкил топадиган деворлар.

“Грунтдаги девор” услубида грунтларнинг ҳоссалари ва намлигига бөглиқ равища деворлар икки хил усулда : хўл ва қуруқ усулларда тикланади.

Хўл усулда ер ости иншоотининг деворлари сувга туйинган нотургун грунтларда хосил қилинади. Бунда девор ўрнини қазишда зовур девори нураб кетмаслиги учун соз тупроқли қоришма билан тўлгазиб борилади.

Намлиги кам бўлган тургун грунтларда деворлар қуруқ усулда тикланади; бунда соз тупроқли қоришмадан фойдаланишга эхтиёж бўлмайди.

Устун қозиқли деворлар кетма-кет бургилаш ва бетонлаш йўли билан хосил қилинади; зарур холларда соз тупроқли қоришмадан фойдаланилади.

Яхлит темир-бетон деворлар 4-6 м ли қамралмаларга бўлиб хосил қилинади. Қамралмалар бир-биридан темир-бетон устун қозиқлар ва инвентар тўсиқлар билан ажратиб қўйилади. Қамралмадаги зовур қазиб бўлингач арматура каркаси туширилади ва тик кўтарилиувчи қувурлар усулида бетон қоришмаси жойлаштирилади. Дастреб жуфт, сўнгра ток сонли қамралмалар бетонланади.

Соз тупроқли қоришма химоясида зовурни қазишда ер қазувчи машиналар (грейфер, драглайн тескари куракли экскаватор), айлантириш ва зарбавий бургилаш дастгоҳлари, махсус чумичли ва презерли қурилмалар қўлланилади.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:
мураккаб грунт шароити, грунтларни зичлаш, грунтларни мустахкамлаш, “грунтдаги девор” услуби

Такрорлаш учун саволлар

1. Мураккаб грунт шароити деганда нимани тушунасиз?
2. Бўш грунтларни зичлашнинг қандай усулларини биласиз.
3. Грунтларнинг мустахкамлигини ошириш усулларининг моҳиятини тушунтиринг?
4. “Грунтдаги девор” услубининг моҳияти нимадан иборат?

9-маъруза.

Мавзу: Бино ва иншоотларни реконструкция қилишда
қурилиш ишларини бажариш

1. Реконструкция ишларининг таркиби.

Мавжуд бино ёки иншоотни янги талабларга мослаштириш учун қисман қайта қурилишига реконструкция дейилади. Реконструкция ишлари корхона биносини кенгайтирилмаган холда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, махсулот турини узгартириш мақсадида бажарилади.

Техник қайта жихозлаш деганда янги техника, технология ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган жихозларни янги ва такомиллашган жихозларга алмаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражасини оширишга қаратилган тадбирлavr мажмуи тушунилади. Бунда мавжуд бино ва иншоотлар қисман қайта қурилиши ва кенгайтирилиши мумкин; аммо қурилиш-монтаж ишларининг улуши техник қайта жихозлашга йўналтирилган капитал маблагнинг 10 % идан ортиб кетмаслиги керак.

Бино ва иншоотларни реконструкция қилишда қуйидаги ишлар бажарилади: қурилиш конструкцияларини бузиш, ажратиб олиш, кучайтириш ва алмаштириш; технологик жихозлар ва мухандислик тармоқларини демонтаж қилиш; химоя ва пардоз қопламаларни янгилаш. Булардан ташқари сақланиб қоладиган бино қисми ва конструкцияларнинг тургунлиги таъминланади.

Реконструкция ишларининг сиқиқ шароитда олиб борилиши қурилиш ишларини бажаришда ноқулай шароитни юзага келтиради. Иш жойида сақланиб қоладиган конструкциялар, технологик жихозлар ва мухандислик тармоқлари иш фронтини чеклаб қуяди, меъёрий иш ўрнини ташкил этишга халақит беради, қурилиш материалларини жойлаштирилиши ва узатиб берилишини қийинлаштиради, шунингдек мавжуд технологик жихозлар ва мухандислик тармоқларини шикастланишдан химоя қилиш учун қўшимча ишлар бажарилишини тақозо этади.

Бино ва иншоотларни реконструкция қилишда қурилиш ишлари икки даврда яъни ишлаб чиқариш тўхтатилгунга қадар ва тўхтатилган даврларда бажарилади.

Ишлаб чиқариш тўхтатулгунга қадар бўлган даврда қуйидаги ишлар бажарилади: Қурилиш конструкциялари ва технологик жихозларни ташиб келтириш ҳамда йириклаштириб йигиш; кутариш-ташиш жихозлари монтажи; конструкцияларни демонтаж қилиш ва кучайтиришга тайёрлаш; хавфсизлик техникаси, ёнгинга қарши ва ишлаб чиқариш санитариясига оид ишлар.

Ишлаб чиқариш тўхтатилгандан сўнг қуйидаги ишлар бажарилади: қурилиш конструкциялари ва технологик жихозларни демонтаж қилиш; қурилиш конструкцияларни кучайтириш ва янгиларни монтаж қилиш; мухандислик тармоқлари монтажи; химоя ва пардоз қопламаларини янгилаш; технологик жихозларни монтаж қилиш ва синовдан ўтказиш.

Реконструкция ишларининг ташкилий-технологик хужжатлари таркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб-чиқариш ва қурилиш ишларининг биргаликда олиб борилишини таъминлашга оид кўрсатмалар:

- бинонинг сақлаб қолинадиган қисми ва элементларининг фазовий бикрлиги ва тургунлигини таъминлаш усуллари;
- қурилиш машиналари ва механизмларини бинога кириши ва ишлашини таъминлаш учун қурилиш конструкцияларини кучайтириш услублари;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига оид кўрсатмалар;
- реконструкция ишларининг ҳар-бир даври ва босқичлари учун қурилишнинг бош режалари.

Реконструкция ишларини бажаришга буюртмачининг ёзма рухсати олингандан сўнг киришилади.

2. Қурилиш конструкцияларини бузиш ва ажратиб олиш.

Қурилиш конструкцияларини бузиш ва ажратиб олиш ишларини имконият бўлган холларда, ишлаб чиқариш тўхтатилгунга қадар бажариш тавсия этилади. Ишни бошлишдан аввал барча ички мухандислик тармоқлари узиб қуйилади.

Қурилиш конструкцияларини элементлаб ёки йирик блоклар кўринишида ажратиб олинади. Элементлаб ажратиб олиш қўл билан ёки механизациялашган асбоблар ёрдамида бажарилади.

Бир қаватли биноларни ажратиб олишда кетма-кетлик усули ва секциялаб ажратиб олиш усули қўлланилади. Кўп қаватли бинолар эса қаватлаб ажратиб олинади.

Ажратиб олиш ишлари юқоридан пастга қараб қуидаги кетма-кетликда бажарилади; технологик жихозлар; электр тармоқлари: санитария-техникавий тармоқлар; технологик конструкциялар пардоз қопламалари ва поллар; эшик ва деразалар; том; том ёпмалар; деворлар; устунлар; парда деворлар; зинапоя элементлари; ора ёпмалар; ер ости конструкциялари.

Ўрама материалли полларни ажратиб олишда пўлат кураклардан ёки эритгичлардан фойдаланилади. Асфальт ва бетон поллар механизациялашган асбоблар ёрдамида бузилади.

Томлар икки босқичда ажратиб олинади: дастлаб том қопламалари сўнгра асос конструкциялари Донадор материалли қопламалар (черепица текис ёки тўлқинсимон асбестцемент вараклар) хосил қилиниш тартибига тескари тартибда ажратиб олинади.

Ўрама материалли қопламалар энг юқоридаги катламдан бошлаб ажратиб олинади. Бунинг учун дастлаб том химоя қатлами олиб ташланади сўнгра пичноқ билан юқори катламни 1,5 ...3м кенглика қирқиб чиқилади ва пўлат курак ёрдамида асосдан кўчириб ўрам холатига келтирилади. Йирик ўлчамли ва оғир том конструкциялари кранлар ёрдамида олинади.

Ораёпма ва том ёпмалар уларнинг конструктив ечимларини ва техник холатини хисобга олган холда қуида жойлашган ва қўшни конструкциялар тургунлигини таъминловчи кетма-кетликда ажратиб олинади.

Йигма элементларни ажратиб олишдаги технологик операциялар қуидаги кетмакетликда бажарилади: демонтажга тайёрлаш (вақтнчалик махкамлаш, кучайтириш, чокларни тозалаш ва ш.к) конструкцияни строплаш ва тортқиларни махкамлаш, стропларни таранглаш, таянч тугуларни ажратиш; конструкцияни күтариш, чиқариб олиш ва пастга тушириш; стропни бўшатиб олиш.

Гиштли деворлар олмос дискали қурилмалар ёрдамида ёки термик қирқиши усулида алохидаги блокларга ажратиб олинади. Сиқиқ шароитларда гиштли деворларни лом, пона, гурзи ва механизациялашган асбоблар ёрдамида ажратиб олинади.

Ажратиб олиш имкони бўлмаган, шунингдек яроқсиз холга келган конструкциялар бузилади. Бузиш ишлари иш муддатини қисқартириш мақсадида ҳам бажарилади. Бунинг учун қисман бузиш ва тулиқ бузиш услубларидан фойдаланилади.

Қисман бузиш услубида бино каркасининг йирик ўлчамли йигма ва яхлит конструкциялари, алохидаги турувчи таянчлар, миноралар ва ш.к лар бузилади. Бунда уларни кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган кичик ўлчамли алохидаги элементларга ажратиб олинади. Тўлиқ бузиш услубида яроқсиз холга келган, яъни кейинчалик фойдаланиб бўлмайдиган конструкциялар: яхлит бетон ва темир-бетон пойдеворлар; бетон асослар ва қалинлиги 200 мм дан ортиқ бўлган бетон поллар; гиштли, бетон ва темир-бетон деворлар ҳамда парда деворлар; темир-бетон том ёпма ва ораёпмалар.

Конструкцияларни тўлиқ бузишда осма шар, пневмо ва гидроболгалар, импульсли сув уриш қурилмалари, механизациялашган ва қўл асбоблари, портловчи моддалар, электрогидравлик қурилмалар ишлатилади.

Осма шар, пневмо ва гидроболгалар ер устки конструкциялари, қалинлиги 400 мм гача бўлган бетон асос ва пойдеворларни бузишда ишлатилади.

Конструкцияларни бузишда “НРС-1” ва “Бристар” типидаги кукунсимон кенгаювчи қоришималардан ҳам фойдаланилади. Бунда бузиладиган конструкция баландлигининг 70 % ини ташкил этувчи шпурлар пармаланади ва бу шпурлар 2:1 нисбатда тайёрланган кукунсимон қоришка ва сув аралашмаси билан тўлгазилади. Қориshmанинг кенгайиши натижасида хосил бўладиган зўриқишининг қиймати бир суткада 25...35 МПа га етади.

Конструкцияларни бузишнинг самарали усуllibаридан бири электрогидравлик эффиқти хисобланади. Бунда бузиладиган конструкцияда диаметри 30...40 мм, чуқурлиги 0,6 м гача бўлган шпурлар хосил қилинади. Шпурларга электродлар жойлаштирилади ва сув билан тўлгазилиб ёғоч тиқинлар билан беркитилади сўнгра электродларга конденсатор қурилмаси орқали кучланиш берилади. Юзага келган электр разряди сувда зарба тўлқинини хосил қиласи ва конструкциянинг бузилишига олиб келади.

Бино ёки иншоотни қисмларга ажратмасдан тўлиқ бузишга тўгри келган холларда портлатиш усулидан фойдаланилади.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:
реконструкция, техник қайта жихозлаш, ажратиб олиш, қисман бузиш, тўлик бузиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Реконструкция деганда нимани тушунасиз?
2. Техник қайта жихозлаш нима?
3. Реконструкция ишларининг ташкилий-технологик хужжатлари таркибига нималар киради?
4. Курилиш конструкцияларини ажратиб олиш ишлари қай тартибда бажарилади?
5. Қисман бузиш ва тўлик бузиш услубларининг моҳиятини тушунтиринг.

10-маъруза.

Мавзу: Конструкцияларни кучайтириш ва алмаштириш

1. Конструкцияларни кучайтириш.

Янги технологик жихозларнинг ўрнатилиши натижасида юкланишнинг ортиши курилиш конструкцияларни кучайтириши тақозо этади. Бундан ташқари конструкциялар юк қўтариш қобилиятини қисман ёки тўлик йўқотган холларда ҳам кучайтириш зарурияти келиб чиқади. Айрим холларда конструкцияларни кучайтириш уларни янгисига алмаштиришга қараганда кам ҳаражат талаб этади. Конструкцияларни кучайтиришда бинонинг хажмий -режавий ечими, технологик жихозларнинг жойлашиши, ишни бажариш шароити ва хавфсизлик техникаси талаблари эътиборга олинади

Бино заминидаги грунтларни кучайтириш. Грунтларни кучайтиришда силикатлаш смолалаш, цементлаш, битумлаш электрохимиявий ва термик мустаҳкамлаш усусларидан фойдаланилади. Заминни мустахкамлаш усусларидан яна бири қўйидаги тартибда амалга оширилади, бино пойдеворини тешиб ўтувчи диаметри 89...280 мм ва узунлиги 5...40м бўлган огма йўналишдаги скважиналар хосил қилинади: сўнгра скважиналарга диаметри 10...16 МПа босимда бетон қоришмаси юборилади.

Пойдеворларни кучайтиришда уларнинг таянч қисмлари кенгайтирилади. Агар пойдеворнинг фақат ташқи қатлами бузилган бўлса қоришмани босим билан сочиш усулида мустахкамланади.

Деворларни кучайтиришда дарзлар ямалади, шикастланган қисмлари қайта урилади, тургунлик ва фазовий бикрликни ошириш мақсадида темир-бетон ва металл ўзаклар хосил қилинади. Ўзакларни хосил қилиш учун деворда тик йуналишдаги ўйиқлар хосил қилинади. Ўйиқлар ичи тозаланиб, намлангач арматура каркаси туширилади ва бетонланади.

Устунларни кучайтиришда қобиқлар хосил қилинади. Бунинг учун устун бурчаклариға арматуралар ўрнатилиб, устунни ўраб оловчи каркас хосил қилинади ва цемент күмли қоришма билан суваб чиқилади ёки қоришмани босим билан сочилади.

Ораёпма конструкцияларини кучайтириш. Бунинг учун айрим қисмлар ёки бутун узунлик буйича кундаланг кесим орттирилади. Күндаланг кесимни орттириш конструкция материалига bogлиқ равища ёгоч металл ва темир бетондан тайёрланган қўшимча элементларни бириктириш йўли билан амалга оширилади. Ишни бошлашдан аввал конструкцияга тушаётган юкланиш камайтирилади ёки тўлиқ олиб ташланади; таянч тугунлар тозаланади.

Конструкцияни бутун узунлиги буйича кучайтиришда шпренгелли конструкция ва аркалардан фойдаланилади. Мавжуд конструкция ва кучайтирувчи элементларнинг биргаликда ишлаши бу элементларни аввалдан зуриқтириш йўли билан таъминланади.

Темир-бетон конструкцияларни кучайтириш учун уларнинг кесими орттирилади. Бунинг учун бетон химоя қатлами олиб ташланади ва тозаланади. Сўнгра юза намланади, арматуралар жойлаштирилади ва бетонланади. Конструкцияларни кучайтириш уларнинг конструктив схемаларини ўзгартириш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда қўшимча таянчлар прогонлар, ховонлар ва тортқилардан фойдаланилади. Уларнинг ўрнатилиш жойи реконструкция қилинадиган бинонинг хажмий режавий ва конструктив ечимига bogлиқ равища аниқланади.

2. Конструкцияларни алмаштириш.

Конструкциялар яроқсиз холга келганда, шунингдек кучайтириш ишлари иқтисодий жихатдан ўзини оқламаганда конструкциялар алмаштирилади. Конструкцияларни алмаштириш ишлаб чиқариш тўхтатилган даврда, маҳсус ишлаб чиқилган ташкилий-технологик хужжатлар асосида бажарилади.

Пойдеворларни алмаштириш икки боскичда амалга оширилади. Дастреб бинонинг тургунлигини таъминловчи тадбирлар амалга оширилади. Сўнгра қуйидаги жараёнлар амалга оширилади: хандақ ва зовурларни қазиш; эски пойдеворни ажратиб олиш ва янгисини хосил қилиш; пойдевор четларини қайта кўмиш ва пойдеворга юкланиш бериш.

Лентасимон пойдеворларни узунлиги 2м гача бўлган қисмларга бўлиб, қатъий белгиланган кетма-кетликда алмаштирилади.

Нам-химоя қатламини янгилаш кремний органик таркибларни пуркаш, нам-химояни қисмларга бўлиб алмаштириш ҳамда электротермик усулни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Кремний органик суюқлиқни шимдириш учун деворнинг периметри бўйлаб 0,4...0,6 м оралиқда диаметри 25 мм бўлган шпурлар пармаланади ва шу шпурлар орқали суюқликни босим остида юборилади.

Нам-химоя қатламини алмаштиришда гишт-тош теримнинг 1-2 катори 1...1,5 м узунликдаги қисмида ажратиб олинади. Хосил бўлган тиркишга химояловчи материал тегишли мастика билан ёпиширилади. Сўнгра ажратиб олинган терим қаторлари қайта терилади. Нам-химоя қатламининг узлуксизлиги химояловчи материални чок бостириб тўшашиб йўли билан таъминланади.

Устунларни алмаштиришда устун остидаги конструкциялар кўтарилиб вақтинчалик таянчларга ўрнатилади. Устунларни алмаштиришда кўпчилик холларда шарнир атрофида айлантириш усулидан фойдаланилади. Бунда олиб ташланадиган устуннинг остки қисмига айланувчи шарнир ва иккита ҳаракатланувчи чигир ўрнатилади. Чигирларнинг бири устуннинг юқори қисмига иккincinnи устуннинг оғирлик марказидан пастрокқа ўрнатилади. Устуннинг юқори ва пастки қисмларидаги бетон ва арматуралар қирқиб олингач чигирлар ёрдамида устун пол сатхига туширилади.

Янги устунни ўрнатиш учун пойдевор атрофи очилади ва пойдеворнинг устун таянадиган остки сатхигача бўлган бетон қисми қирқиб олинади; арматуралар эса сақланиб қолади. Эски устунни олиб ташлашда фойдаланилган чигирлар ёрдамида янги устун шарнир атрофида айлантирилиб лойиха жойига ўрнатилади ва вақтинчалик курилмалар билан махкамланади. Шундан сунг пойдеворнинг ён сиртлари яхшилаб тозаланади, бетоннинг химоя қатлами олиб ташланади, қўшимча арматуралар ўрнатилади ва пойдеворни устун билан биргаликда бетонланади. Бетон лойиха мустаҳкамлигини эгаллагандан сўнг устунга юкланиш берилади.

Ораёпмаларни алмаштириш каркасли биноларда одатдаги усулларда амалга оширилади. Гиштли биноларда ораёпмалар 2...5 м ли қисмларга бўлиб алмаштирилади. Бунда деворларнинг тургунлигини таъминлашга алохида эътибор берилиши керак. Ораёпмаларни ўрнатиш учун деворда чуқурлиги 150...250 мм бўлган горизонтал ўйиклар хосил килинади. Ўйикларнинг баландлиги ўрнатиладиган конструкция баландлигидан 1,5...2 марта ортиқ бўлиши керак. Ўйиклар гишт парчаларидан яхшилаб тозалангач, намланади. Ўрнатиладиган конструкцияларнинг чети ўйик ичига киритилади ва бетонланади. Бетон лойиха мустаҳкамлигини эгаллагач навбатдаги қисмга ўтилади.

3. Реконструкция ишларини бажаришдаги меъёрий талаблар.

Реконструкция ишларини бажаришдаги асосий хужжатлар реконструкция қилинадиган бино лойихаси, ташкилий-технологик хужжатлар ҳамда “Курилиш меъёрлари ва қоидалари” нинг тегишли қисми хисобланади.

Реконструкция ишларининг сифатини таъминлаш учун курилиш ишларининг барча босқичларида мунтазам назорат ташкил этилади. Назорат дастлабки ва жорий назоратга бўлинади.

Дастлабки назорат лойиха ва ташкилий-технологик хужжатларни текшириш ҳамда курилиш материаллари сифатининг қўйиладиган талабларга мослигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Хужжатларни текширишда уларнинг тўлиқлиги, ишлаб чиқариш шароитининг эътиборга олинганини, курилиш ташкилотининг ресурс имкониятлари аниқланади. Шунингдек курилиш ишчиларининг касби ва малакасининг мос келиши ҳам кузатилади.

Жорий назоратда курилиш материаллари ва конструкцияларининг тўғри тахланиши ва сақланиши; ўрнатиладиган конструкцияларнинг фазовий холати; ишлаб чиқариш жараёнлари ва операцияларининг бажарилиш кетма-кетлиги кузатиб борилади. Жорий назоратни амалга оширишда геодезик асбоблардан фойдаланилади.

“Курилиш меъёрлари ва қоидалари” да кўзда тутилган холларда ёпиқ ишлар акти расмийлаштириб борилади.

Реконструкция ишларига тайёргарлик даврида курилиш ташкилоти буюртмачи билан биргаликда меҳнат муҳофазасига оид тадбирларни ишлаб чиқади.

Реконструкция ишларига киришишдан аввал барча ишловчилар ишлаб чиқариш жараёнлари ва операцияларини хавфсиз бажариш усуслари, курилиш майдони ва корхона худудида ҳаракатланиш тартиби тўғрисида тўлиқ йўл-йўриқ оладилар.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

конструкцияларни кучайтириш, конструкцияларни алмаштириш, меъёрий талаблар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Конструкцияларни кучайтириш қай тартибда амалга оширилади?
2. Пойдеворларнинг алмаштирилиш тартибини тушунтиринг.
3. Устунлар қай тартибда алмаштирилади?
4. Ораёпмаларнинг алмаштирилиш тартибини тушунтиринг.
5. Реконструкция ишларини бажаришдаги меъёрий талаблар нималардан иборат?

11-маъруза

Мавзу: «Ишларни бажариш лойихаси» (ИБЛ) ва «Курилишни ташкил этиш лойихаси» (КТЭЛ) ни тузишда фан ва техниканинг илгор услубларини қўллаш

1. Технологик лойихалашдаги ташкилий-технологик хужжатлар таркиби.

Технологик лойихалашнинг мақсади курилиш махсулотини барча турдаги ресурслардан тежамли фойдаланган холда, белгиланган муддатларда тайёрлашда бажариладиган курилиш жараёнлари учун энг мақбул ташкилий ва технологик шароитларни ишлаб чиқиш хисобланади. Курилиш жараёнининг мақбул ечимларини қабул қилишда фан

ва техникадаги энг янги ютуқлар, ишлаб чиқаришдаги илгор тажрибалар асос бўлиб хизмат қиласди.

Қурилиш майдонидаги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ИБЛ ва ҚТЭЛ асосида амалга оширилади. ҚТЭЛ лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган техник хужжатлар таркибига кириб, унда қурилишни олиб бориш, унинг муддатлари зарурий материал-техник ресурслар тугрисидаги асосий маълумотлар ва ечимлар акс эттирилади.

ИБЛ қурилиш ташкилотининг буюртмасига кўра иш чизмалари асосида ҚТЭЛ да қабул қилинган ечимлар ва қурилиш майдонининг аниқ шароитларини эътиборга олган холда ишлаб чиқилади. ИБЛ таркибига қўйидаги асосий хужжатлар киради.

- ишларнинг бажарилиш кетма-кетлиги ва муддатлари акс эттирилган саънавий режа ёки тармоқли график;
- доимий ва вақтингачалик йўллар, мухандислик тармоқлари, қуриладиган ва вақтингачалик бинолар, қурилиш машиналари ва механизациялашган қурилмалар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини сақлаш жойлари кўрсатилган қурилиш бош режаси;
- алоҳида иш турлари ва қурилиш жараёнларини бажаришга оид технологик ҳариталар;
- ишчилар ва асосий қурилиш машиналарининг ҳаракат графиклари;
- геодезик ишларни бажаришга оид ечимлар;
- хавфсизлик техникасига оид ечимлар.

Алоҳида иш турини бажаришга оид бўлган ИБЛ таркибига шу ишни бажаришнинг саънавий режаси, қурилиш бош режаси ва технологик ҳарита киради.

Технологик ҳариталар қурилиш жараёнларини илмий ташкил этишнинг асоси хисобланади. Технологик ҳариталар амалдаги меъёрлар асосида ва қурилишдаги илгор тажрибаларни хисобга олган холда ишлаб чиқилади. Технологик ҳарита таркибига қўйидаги бўлимлар киради:

- «қўлланилиш жойи»; бунда бино ва иншоотнинг конструктив элементлари тавсифи, жараёнларнинг тури ва таркиби, ишлаб чиқариш шароитининг тавсифи келтирилади;
- «Ишларни бажариш технологияси ва ташкил этилиши» асосий бўлим хисобланади ва унинг таркибига қўйидагилар киради: тайёргарлик ишларига қўйиладиган талаблар; тавсия этиладиган машина ва жихозлар; конструктив элементлар схемаси, машина ва жихозларнинг жойлашиш ўрни, конструктив элементларни хосил қилишнинг технологик схемалари, материал ва конструкцияларни тахлаш схемалари акс эттирилган чизма қисми, ишларни бажаришга оид ва бригадалар таркиби тугрисидаги тавсиялар;
- «Ишларнинг қабул қилинишига ва сифатига қўйиладиган талаблар»; бунда ишларни назорат қилиш ва сифатни баҳолашга оид кўрсатмалар келтирилади;

- «Мехнат сарфи, машина вакти ва иш хақи хисоби»;
- «Ишларнинг бажарилиш графиги»;
- «Материал-техник ресурслар»;
- «Хавфсизлик техникаси»;
- «Техник иқтисодий кўрсаткичлар».

Мехнат жараёнлари ҳариталари меҳнатнинг илмий ташкил этишнинг асосий меъёрий ва йўл-йўриқ хужжати хисобланади. Улар «Ягона меъёрлар ва нархлар» (ЕНиР) тўпламларида кўзда тутилган барча турдаги жараёнлар учун ишлаб чиқилади ва қуидаги 5 та бўлимдан ташкил топади:

1. «Ҳаританинг кўлланилиш жойи ва самарадорлиги»; унда ҳаританинг кўлланилиш жойи, ҳаритани кўллаш натижасида эришиладиган меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари тўгрисидаги маълумотлар келтирилади;
2. «Бажарувчилар ва меҳнат қуроллари»; бажарувчиларнинг касбий малакавий таркиби тугрисидаги кўрсатмалар, асбоблар ва мосламалар рўйхати; бирлик маҳсулот учун материаллар сарфи;
3. «Жараённи тайёрлаш ва унинг бажарилиш шароити»: аввал бажарилган ишларнинг сифати ва тайёрлигига қуйиладиган талаблар ҳамда сифатни назорат қилиш услублари; ишлатиладиган материаллар, буюмлар, конструкциялар сифатига қуйиладиган талаблар ва назорат услублари; материалларни сақлашга ва ишлатишга тайёрлашга оид курсатмалар;
4. «Жараённинг технологияси ва ташкил этилиши»: жараён операцияларининг бажарилиш кетма-кетлиги, бажарувчиларнинг меҳнат жараёни графиги; иш ўрнини ташкил этиш схемаси;
5. «Мехнат усуллари »: энг оқилона меҳнат усулларининг баёни жадвал кўринишида ифодаланиб, унда операциялар номи, усулларнинг давомийлиги (минут), меҳнат усулларининг тавсифи (расмларда) келтирилади.

Меҳнат жараёнлари ҳариталаридан ишчиларни ўқитиш ва технологик ҳариталарни ишлаб чиқиша фойдаланилади.

2. ИБЛ ва ҚТЭЛ да қабул қилинган ечимларни техник-иқтисодий жихатдан баҳолаш. ҚТЭЛ даражасини ҳарактерлайдиган асосий кўрсаткичларга қўйидагилар киради: қурилишнинг давомийлиги; асосий иш турларини механизациялашганлик даражаси; бирлик қурилиш маҳсулоти учун меҳнат сарфи, машина вақти энергетик ресурслар микдори, ишлар нархи.

Олинган техник-иқтисодий кўрсаткичлар узимизда ва чет-эл тажрибасида шунга ўхшаш бино ва иншоотлар қурилишидаги эришилган кўрсаткичлар билан таққослаб, тахлил

қилинади. Мураккаб ишланмалар учун ИБЛ бир неча вариантда бажарилиши керак. Вариантларни иқтисодий жихатдан таққослаш «Қурилишда капитал маблагларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга оид йўл-йўриқлар» асосида амалга оширилади.

ҚТЭЛ вариантлари қурилиш ташкилоти асосий ишлаб чиқариш фондларининг нархи ва қурилиш давомийлигининг хисобга олган холда баҳоланади. Вариантларни иқтисодий жихатдан баҳолаш ва таққослаш қуйидаги формула ёрдамида бажарилади.

$$\mathcal{E}_k \sum_{I_k=1}^T E_m (C_i^1 - C_i^2) K (\mathcal{E}_y K \mathcal{E}_m K \mathcal{E}_t)^* D$$

Бу ерда \mathcal{E} -иқтисодий самара микдори; T -курилиш давомийлиги катта бўлган вариантдаги бинонинг қурилиш муддати; E_m -курилишда қапитал маблаг самарадорлигининг меъёрий коэффиценти; C_i^1, C_i^2 -таққосланаётган вариантлардаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик нархи; \mathcal{E}_y -шартли-доимий устама ҳаражатларнинг қисқаришидан олинадиган самара; \mathcal{E}_m -ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган обьектларни муддатидан аввал ишга туширишдан олинадиган самара; \mathcal{E}_t -капитал маблагни мақсадга мувофиқ тақсимланишидан олинган самара; D -курилиш муддатини қисқариши билан бөглиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар.

Шартли-доимий устама ҳаражатларнинг қисқаришидан олинадиган самара (\mathcal{E}_y) қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_y K H (1 - T_2 / T_1)$$

Бу ерда H -курилиш монтаж ишлари таннархи таркибидаги шартли-доимий устама ҳаражатлар; T_1 -курилишнинг меъёр буйича давомийлиги; T_2 -курилишни қабул қилинган давомийлиги.

Объектни муддатидан аввал ишга туширилишидан олинадиган қўшимча маҳсулотнинг иқтисодий самараси(\mathcal{E}_m) қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_m K E_m \Phi (T_1 - T_2)$$

Бу ерда Φ -муддатидан аввал ишга туширилган ишлаб чиқариш фондларининг нархи. Капитал маблагни мақсадга мувофиқ тақсимланишидан олинадиган самара(\mathcal{E}_t) қуйидагича аниқланади.

$$\mathcal{E}_m K E_m (K_1 T_1 - K_2 T_2)$$

Бу ерда K_1 ва K_2 -таққосланаётган вариантлардаги асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва айланувчи воситаларнинг нархи.

ИБЛ ни тузища вариантларни иқтисодий жихатдан баҳолаш, таққосланаётган жараёнлар давомийлиги бир хил бўлганда, қуйидаги формула ёрдамида бажарилади.

$$\mathcal{E}_k (C_1 - C_2) K E_m (K_1 - K_2)$$

Бу ерда C_1, C_2 -таққосланаётган вариантлардаги қурилиш-монтаж ишларининг таннархи.

Агар таққосланаётган вариантлар қурилишнинг давомийлиги буйича бир-биридан фарқ қилса, обьектни муддатидан аввал ишга туширилишидан ва устама ҳаражатларнинг қисқаришидан олинадиган самара эътиборга олинади.

Мавзу буйича «таянч» сўз ва иборалар:

ИБЛ таркиби, технологик ҳарита, меҳнат жараёнлари ҳаритаси, ҚТЭЛ ни баҳолаш, ИБЛ ни баҳолаш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. ИБЛ таркибидаги асосий хужжатлар нималардан иборат?
2. Технологик ҳарита таркибига нималар киради?
3. Меҳнат жараёнлари ҳаритаси қандай бўлимлардан ташкил топади?
4. ҚТЭЛ да қабул қилинган ечимлар қандай баҳоланади?
5. ИБЛ варианtlари қандай таққосланади?

12-маъруза

Мавзу: Бино ва иншоотлар қурилишини поток услубида ташкил этиш ва режалаштиришнинг график тизимлари

1. Қурилишнинг поток услуби

Саноатлашган қурилиш ишлаб чиқариши қурилиш-монтаж жараёнини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишларни поток услубида бажариш, йигма қурилиш конструкцияларини кенг кўламда тадбиқ этиш ва ишларни режалаштиришни тўғри ташкил этиш билан ҳарактерланади.

Механизациялашганлик даражаси механизациялашганлик коэффициенти билан ҳарактерланади. Бу коэффициент механизациялашган ишлар хажмининг умумий қурилиш-монтаж ишлари хажмига нисбати билан аниқланади (% да).Хозирги пайтда эришилган даражаси: ер ишларида-98,2%, бетон ва темир-бетон конструкциялари монтажида-96,6%, бетон қоришмасини тайёрлашда-87,7% ни ташкил этади.

Саноатлашган қурилишнинг яна бир муҳим кўрсаткичи йигмалик коэффициенти хисобланади .Бу коэффициент йигма конструкциялар нархининг бино ёки иншоотнинг умумий нархига нисбати билан (%да) аниқланади.

Қурилишни ташкилий жихатдан кетма-кетлик, параллеллик ва поток услубларида олиб бориш мумкин.

Кетма-кетлик услубида ишлар дастлаб биринчи қамралмада сўнгра навбатдаги қамралмаларда бажарилади. Агар қамралмалар сони m , битта қамралмадаги ишлар давомийлиги T_d булса қурилишни давомийлиги T қўйидагига teng бўлади:

$$T = m T_d$$

Параллеллик услубида ишлар барча қамралмаларда бир вақтнинг ўзида олиб борилади.Бунда қурилишнинг давомийлиги т марта қисқаради ва T_d га teng бўлади, лекин ресурсларнинг сарфланиш интенсивлиги т марта ортади.

Поток услубида комплекс қурилиш жараёни п та ташкил этувчи жараёнларга ажратилади. Биринчи жараён биринчи қамралмада якунлангач дархол иккинчи қамралмада бошланади ва бу вактда биринчи қамралмада иккинчи жараённи бажаришга киритилади; биринчи жараён учинчи қамралмада бошланганда иккинчи қамралмада иккинчи жараён, биринчи қамралмада учинчи жараён бошланади ва х..к. Бу услубда қурилишнинг давомийлиги кетма-кетлик услубидан кам, ресурсларнинг сарфланиш интенсивлиги эса параллелик услубидан кам булади ёки бошқача қилиб айтганда поток услуби кетма-кетлик ва параллелик услубларининг ижобий томонларини узида мужассамлаштирган услуб хисобланади. Поток услубида узлуксиз қурилиш конвейери яъни қурилиш потоги яратилади. Поток қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) Хусусий поток -битта оддий жараённинг барча қамралмаларда кетма-кет бажарилиши.
- 2) Ихтисослашган поток-умумий махсулот яратувчи хусусий потоклар йигиндиси. Масалан, ихтисослашган поток-темир -бетон конструкцияларни тиклаш бўлса, хусусий потоклар опалубкаларни ўрнатиш, арматуралар монтажи ва бетонлаш хисобланади.
- 3) Объект потоги -ихтисослашган потоклар йигиндисидан иборат бўлиб, унинг махсулоти тугалланган объект яъни бино ёки иншоот хисобланади.
- 4) Комплекс поток-бинолар комплексини қуришдаги объект потоклари йигиндиси.

Қурилиш потоги уч турдаги параметрлар билан ҳарактерланади:

- 1) Технологик параметрлар - хусусий потоклар сони, ишлар хажми, меҳнатталаблик, поток куввати(вакт бирлигидаги қурилиш махсулоти).
- 2) Фазовий параметрлар - участкалар, қамралмалар, бўлмалар ва яруслар.
- 3) Вакт параметрлари - даврийлик модули ва поток қадами. Даврийлик модули деб хусусий потокнинг битта қамралмадаги давомийлигига айтилади. Поток қадами деб битта қамралмадаги иккита қўшни хусусий потокларнинг бошланиш вақтлари оралигига айтилади.

2. Режалаштиришнинг график тизимлари

Қурилиш жараёнларини режалаштириш ва бошқаришда қурилиш жараёни моделини тасвирловчи график тизимлар қўлланилади.

Шундай модуллар сифатида чизиқли графиклар, циклограммалар ва тармоқли графиклардан фойдаланилади.

Чизиқли графикда ташкил этувчи жараёнлар вақт масштабида, бажарилишнинг технологик кетма-кетлигини сақлаган холда горизонтал чизиқлар кўринишида белгиланади.

Циклограммада потокнинг ривожланиши фазо ва вақтда тасвирланади. Бундай модельда абсцисса ўқига вақт ордината ўқига эса қамралмалар қўйилади. Алоҳида ташкил этувчи жараёнлар огма чизиқлар кўринишида тасвирланади. Бу чизиқларнинг асоси ишнинг бошланишига, чўққиси эса ишнинг тугашига тўғри келади.

Қурилиш потогини ташкил этувчи барча хусусий потоклар бир хил даврийлик модулига эга бўлса ритмик поток дейилади ва параллели чизиқлар кўринишида тасвирланади.

Бунда хусусий потоклар давомийлиги (t) қуидагича аниқланади:

$$t \in [t_0, t_1]$$

бу ерда t_0 - камралмалар сони; t_1 - даврийлик модули; смена

n та хусусий потокдан ташкил топган ритмик қурилиш потогининг умумий давомийлиги (T) қуидагича аниқланади:

$$T = (n-1)K + K_0 + K_1 + \dots + K_{m-1}$$

бу ерда $(n-1)K$ -барча ташкил этувчи жараёнларнинг (хусусий потокларнинг) потокка қушилиш учун зарур бўлган вакт.

Технологик ва ташкилий танаффусларни хисобга олганда қурилиш потогининг давомийлиги (T) қуидагича аниқланади:

$$T = K_0 + K_1 + \dots + K_{m-1} + \sum \Delta t$$

бу ерда $\sum \Delta t$ -технологик ваташкилий танаффусларнинг давомийлиги, смена.

Чизиқли график осон қурилади, лекин моделлаштирилаётган жараённинг мураккаблигини тўлиқ акс эттириб бўлмайди.; турли жараёнлар (операциялар) орасидаги узаро алоқадорлик яққол кўзга ташланмайди; ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида бу графикка тузатиш ва аниқлик киритиш анча қийин; график параметрларини хисоблашда замонавий математик услублар ва ЭХМ дан фойдаланиш анча мураккаб жараён хисобланади. Шу сабабли кейинги пайтда қурилишни режалаштириш ва бошқаришда саънавий режалаштиришнинг янги шакли булган тармоқли графикдан кенг фойдаланилмоқда. Тармоқли график чизиқли графикдаги камчиликлардан холи бўлиб, бунда вакт захиралари ва критик йўл (барча йўллар ичida энг узоқ давомийликка эга бўлган йўл) аниқланади. Критик йўлда жойлашган жараёнлар вакт захирасига эга бўлмайди вашу жараёнлардан бирининг қисқариши ёки узоқроқ давом этиши бутун қурилиш муддатининг қисқаришига ёки узайишига олиб келади. Критик йўл асосида қурилишнинг хал қилувчи участкалари аниқлаб олинади ва барчадикқат эътибор зарурий ресурслар шу участкаларга йўналтирилади.

3. Ташкилий-технологик ечимларнинг ишончлилигини баҳолаш.

Қурилиш жараёнларини ташкил этишни лойихалашнинг амалдаги услублари қурилиш потоги параметрларини аввалдан аниқлашга асосланган бўлсада, қурилиш жараёнига таъсир этувчи тасодифий омилларни эътиборга олмайди. Қурилиш жараёнига таъсир қилувчи тасодифий омиллар кўзда тутилмаган узилишларни келтириб чикаради. Бундай омилларга қуидагилар киради: транспорт воситаларининг бузилиб қолиши: электр энергияси

таъминотидаги узилишлар; ноқулай об-ҳаво шароити; ишчиларнинг кеч қолиши ёки ишга чиқмаслиги ва ш.к.

Қурилиш жараёнининг ишончлилиги деганда унинг берилган муддат давомида иш қобилиятини сақлаб қолиш эҳтимоллиги тушунилади. Ишончлиликнинг миқдорий характеристкаларини аниқлаш учун аввало унинг элементлари ишончлилиги аниқланаб, сўнгра бу элементларнинг биргалиқда ишлаш ишончлилиги аниқланади. Қурилиш жараёни таркибига қуйидаги элементлар киради: техника воситалари, материал элементлар, меҳнат ресурслари(ишчилар, мухандис техник ходимлар, хизматчилар).

Ишончлиликнинг энг умумлашган кўрсаткичи тайёрлик коэффиценти хисобланади. Қурилиш жараёни элементлари учун тайёрлик коэффиценти ўртачастатистик қийматларга кўра қуйидагича: техника воситалари (тв) учун 0,86...0,92; материал элементлари (мэ) учун 0,8...0,85; меҳнат ресурслари (мр) учун 0,78...0,83.

Ишончлилик элементларининг миқдорий характеристкалари аниқланган бутун қурилиш жараёнининг ишончлилиги аниқланади. Бунинг учун элементларнинг биргалиқда ишлаш даврини билиш керак бўлади.

Агар барча 3 та элемент биргалиқда ишлаётган ва улардан бирининг ишламай қолиши бутун жараённинг тўхтаб қолишига олиб келадиган бўлса, бундай жараённинг тайёрлик коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$K_{m1} \cdot K^{tb}_{m} \cdot K^{m\vartheta}_{m} \cdot K^{mp}_{m}$$

Агар иккита элемент, масалан, материал элементлари ва меҳнат ресурслари биргалиқда ишлаётган бўлса:

$$K_{m2} \cdot K^{m\vartheta}_{m} \cdot K^{mp}_{m}$$

Агар қурилиш жараёни тўлиқ даврининг давомийлигини t_{ym} , биринчи турдаги биргалик вақтини t_1 , иккинчи турдаги биргалик вақтини t_2 десак, у холда қурилиш жараёнининг умумий ишончлилиги қуйидагича бўлади:

$$K_{m1} t_1 \cdot K_{m1} / t_{ym} \cdot K_{t2} \cdot K_{m2} / t_{ym}$$

Қурилиш жараёнлирининг ишончлилиги бино ёки иншоот қурилиши учун зарур бўлган ресурсларни аниқлашда хисобга олиниши керак.

Мавзу буйича “таянч” сўз ва иборалар:

поток услуби, поток турлари, чизиқли график, циклограмма, тармоқли график, тайёрлик коэффиценти.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Поток услубининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Поток турлари ва параметрларини айтинг.
3. Чизиқли график қандай қурилади?
4. Циклограмма қандай тасвирланади?

5. Тармоқли графикнинг афзалликларини тушунтириңг.
6. Курилиш жараёнининг ишончлилиги қандай баҳоланади?

МУАММОЛИ МАЪРУЗАЛАР

13-маъруза

Опалубка ишлари. Арматураларни тайёрлаш ва монтаж қилиш

Режа:

1. Опалубкаларга қўйиладиган талаблар.
2. Опалубкаларнинг турлари ва ишлатилиши.
3. Темир-бетон конструкцияларда ишлатиладиган арматураларнинг турлари.
4. Арматура буюмларини тайёрлаш ва монтаж қилиш.

Муаммо:

Опалубка ишларида меҳнат сарфини камайтириш. Арматураларни ўзаро бириткириш.

Таянч сўз ва иборалар:

Опалубкаларга қўйиладиган талаблар, опалубка турлари, опалубкаларнинг ишлатилиш ўрни, арматура тури, арматура синфи, арматура буюмларини тайёрлаш, арматура буюмларини ўрнатиш.

Муаммоли вазиятларда тўғри ечимга келиш учун қуйидагиларни билишингиз керак:

1. Опалубкалар учун ишлатиладиган материаллар, конструктив жиҳатдан опалубкаларнинг турлари.
2. Опалубка қабул қиласиган юклар.
3. Ҳар бир опалубканинг ишлатилиш ўрни.
4. Арматурани алмаштириш қачон ва қандай ҳолларда амалга оширилади?


5. Арматурани пайвандлаш усуллари, уларнинг қўлланилиш ўрни.
6. Арматуранинг ҳимоя қатлами қалинлиги нимага боғлиқлиги ва уни ҳосил қилиш усуллари.

1. Опалубка ишлари

Опалубка деб, берилган ўлчамдаги бетон ва темир – бетон конструкцияларни тайёрлаш учун бетон қоришмаси жойлаштириладиган қолипга айтилади.

Опалубкага қўйидаги талаблар қўйилади:

- узоққа чидамлилик ва бикрлик;
- технологик юкланишлар таъсирида ўзгармаслик;
- етарли мустаҳкамлик, осон йиғилувчанлик ва ажralувчанлик.



32-расм. Бетон ва темирбетон ишларини бажарышнинг технологик кетма-кетлиги:

1, 2, 3-опалубкаларни тайёрлаш, ташиш ва ўрнатиш; 4, 5, 6-арматураларни тайёрлаш, ташиш ва ўрнатиш; 7, 8, 9-бетон қоришимасини тайёрлаш, ташиш ва жойлаштириш; 10-бетоннинг қотишини таъминлаш; 11-опалубкаларни ажратиб олиш; 12-опалубкаларни таъмирлашга жўнатиш.

Опалубкани ҳисоблашда хусусий оғирлигидан ҳосил бўладиган юкланишлар, бетон қоришимаси, ишчилар, механизмлар оғирлиги, титратиш ва динамик юкланишлар, ҳамда шамол таъсири ҳисобга олинади.

Тайёрланадиган материалига кўра опалубка ёғоч, металл, темирбетон, стеклопластик, армоцемент ва асбестоцементдан бўлиши мумкин.

Бетонланадиган конструкциянинг турига ва ўлчамларига, арматура ва бетон ишларининг бажарилиш усулларига боғлиқ равища опалубкалар турли конструктив ечимларга эга бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан опалубкалар қўйидаги турларга бўлинади: ажратиб қайта қўйиладиган; сирпанувчи; кўтариб қайта қўйиладиган; ғилдирайдиган (катучая); ҳажмий қайта қўйиладиган; ажратиб олинмайдиган; дамланадиган.

Опалубка сифатининг энг муҳим кўрсаткичи унинг айланувчанлиги (неча марта ишлатиш мумкинлиги) ҳисобланади. Айланувчанлик сони ёғоч опалубкалар учун 10...15, ёғоч-металл опалубкалар учун 40..50 ни ташкил этса, металл опалубкалар учун 100 дан ортади. Айланувчанлик сони катта бўлган опалубкаларни ишлатиш опалубка ишлари нархини ҳамда меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

Ажратиб қайта қўйиладиган опалубка. Бундай опалубкалар лентасимон ва алоҳида пойдеворлар, устун, девор, тўсин, плита, рама ва шу каби конструкцияларни тайёрлашда ишлатилади. Бу опалубканинг қўйидаги турлари бор: кичик шитли, йирик шитли ва блок - форма.

Кичик шитли опалубканинг оғирлиги 70 кг гача бўлиб 2 та дурадгор ёрдамида ўрнатилади. Бундай опалубкалар асосан тахтадан тайёрланади. Шунингдек, пўлат вараклардан, сувга чидамли фанера ёки стеклопластик материалдан ҳам тайёрланиши мумкин.

Йирик шитли опалубкалар кран ёрдамида ўрнатилади ва ажратилади. Оғирлиги 500 кг гача бўлади. Опалубканинг асосий элементи металл, ёғоч ёки улар аралашмасидан тайёрланган шитлар ҳисобланади.

Блок-форма фазовий конструкцияга эга бўлиб, устун ости пойдеворларини тайёрлашда ишлатилади. Оғирлиги 5 т гача бўлиши мумкин. Блок-форманинг қисмларга ажраладиган ва ажралмайдиган турлари бор.

Сирпанувчи опалубка. Бундай оаплубкалар кўндаланг кесими баландлик бўйича ўзгармайдиган баланд иншоотларни (турли қувурлар, туар-жой биноларининг бикрлик ядроси, дон элеватори, цемент омбори) қуришда ишлатилади.

Сирпанувчи опалубка П-шаклидаги рамага осилган опалубка шитлари, домкратлар, иш майдончалари ва осма сўрилардан иборат. Опалубкани домкратлар ёрдамида кўтариш даврида осон сирпаниши учун бетон деворга конус кўриниши берилади, яъни вертикалдан оғиши 4...6 мм ни ташкил этади. Опалубка баландлиги 1,1...1,2 м бўлиб, бетонланадиган иншоотнинг ички ва ташқи томонига ўрнатилади. Сирпанувчи опалубкада бетонлаш тезлиги 15-20 см/соат ни ташкил этади.

Кўтариб қайта қўйиладиган опалубка. Бундай опалубкалар конуссимон ёки тўғри бурчакли шаклдаги, кесими баландлиги бўйича ўзгариб борадиган баланд иншоотларни

қуришда ишлатилади. Опалубкалар трапециясимон шитлардан ташкил топади. Иншоот ярусларга бўлиб бетонланади. Ҳар бир навбатдаги ярусга кўтаришда опалубканинг элементлари иншоот кесимининг ўзгаришига боғлиқ равишда камайтириб борилади. Кўтариб қайта қўйиладиган опалубканинг бир тури ҳисобланган *механизациялашган опалубка агрегатидан* Москвадаги Останкино телевизион минорасини тиклашда фойдаланилган. Агрегат ёрдамида миноранинг 63 м дан 385,6 м гача бўлган оралиғига 5000 м³ га яқин бетон ётқизилиб, ўртacha тикланиш тезлиги бир кеча-кундузда 0,69 м ни ташкил этди.

/илдирайдиган опалубка. Горизонтал йўналишда ҳаракатланадиган бундай опалубкалар чизиқли иншоотларни (туннел, коллектор, зовурсимон омборлар, цилиндрик том ёпмалар) бетонлашда қўлланилади. Иншоот қисмларга ажратиб бетонланади. Битта қисмда бетонлаш ишлари якунланиб, бетон зарурый мустаҳкамликни эгаллагач опалубка транспорт ҳолатига келтирилади (тахланади) ва навбатдаги қисмга рельсли йўл орқали чиғирлар воситасида ҳаракатлантириб (филдиратиб) ўтказилади. Сўнгра опалубка транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилади ва бетонлаш ишлари давом эттирилади.

Ҳажмий қайта қўйиладиган опалубка. Бундай опалубкалар кўндаланг юк кўтарувчи деворли кўп қаватли биноларни яхлит бетондан тиклашда қўлланилади.

Ҳажмий қайта қўйиладиган опалубка П-шаклидаги металл конструкциядан иборат бўлиб, бир-бирига шарнирли биринкирилган учта асосий элементдан таркиб топади: ораёпма опалубкаси, ён деворлар опалубкаси ва қаватлаб қайта қўйишда фойдаланилдиган аравача. Опалубкани кўчириб ўрнатишда дастлаб уни транспорт ҳолатига келтирилади. Сўнгра аравачани рельслар орқали ҳаракатлантириб, опалубка бино ташқарисига ўрнатилган монтаж сўрилари устига чиқарилади ва кран ёрдамида кўтариб навбатдаги жойга ўрнатилади.

Ажратиб олинмайдиган опалубка. Бундай опалубкалар конструкциянинг бир қисми ҳисобланади. Шунингдек бу опалубкалар кошинлаш, нам-химоя ва иссиқ-химоя вазифаларини ҳам бажариши мумкин. Бундай опалубкалар армоцемент, темирбетон, асбестоцемент ва пенополистиролдан тайёрланиши мумкин. Ажратиб олинмайдиган опалубкалар жиҳоз ости пойdevорларида, пойdevорнинг ички каналларини ҳосил қилишда, тушириладиган қудуклар, таянч деворлар ва туннелларда бетонлаш ишларини бажаришда қўлланилади.

Дамланадиган опалубка. Бундай опалубкалар ажратиб қайта қўйиладиган опалубкаларнинг бир тури ҳисобланиб, улардан гумбаз ва свод кўринишидаги том ёпмаларни бетонлашда фойдаланилади. Чарм ва шунга ўхшаш сув ўтказмайдиган материалдан тайёрланган опалубка ўрам ҳолида қурилиш майдонига олиб келинади. Дамлаш натижасида опалубка берилган шаклни эгаллади. Бетонлаш ишлари якунланиб, бетон зарурый мустаҳкамликни эгаллагач опалубка ичидаги ҳаво чиқариб юборилади ва конструкция опалубкадан ажрайди.

2. Арматураларни тайёрлаш ва монтаж қилиш

Темирбетон конструкцияларда ишлатиладиган арматуралар қуидаги турларга бўлинади:

- *материалига кўра* - пўлат ва металл бўлмаган;
- *тайёрланиши технологиясига кўра* - диаметри 6...80 мм бўлган иссиқлайн эзиш йўли билан тайёрланадиган стерженсизмон арматуралар ва диаметри 3..8 мм бўлган совуқлайн чўзиш йўли билан тайёрланган симсимон арматуралар;
- *ташқи кўрининишига кўра* - силлиқ ва даврий профилли;
- *темирбетон конструкциялар таркибида ишилаш принципига кўра*-олдиндан зўриқтирилган ва зўриқтирилмаган;
- *конструкция таркибида бажарадиган вазифасига кўра* - ишчи, тақсимловчи, монтаж ва кўндаланг арматуралар;
- *ўрнатилиши усулига кўра* - донали арматура, арматура каркаслари ва тўрлари.

Механик хоссаларига кўра арматура пўлати синфларга бўлинади. А- I синфга мансуб стерженсизмон арматура силлиқ ташқи кўринишга эга бўлса, А-II, А-III, А-IV, А-V, ва А-VI синфдаги арматуралар сирти даврий профилга эга бўлади.

А-II арматуранинг ташқи бўртиклари винт кўринишида, А-III, А-IV, А-V, А-VI арматуранинг ташқи бўртиклари “арча” кўринишида бўлади. Бу арматураларни бир-биридан фарқлаш учун А- IV арматура учлари қизил, А-V арматура учлари кўк, А-VI арматура учлари яшил рангга бўяб қўйилади. Термик йўл билан мустаҳкамлиги оширилган арматураларга "т" индекси қўйилиб қуидагича белгиланади: Ат-III, Ат-IV, Ат-V ва Ат-VI.

Совуқлайнин чўзиш йўли билан тайёрланган симсимон арматуралар қуидагича синфларга бўлинади: даврий профилли Вр-I, Вру-I синфли оддий симсимон арматуралар, В-II синфли юқори мустаҳкамли, ташқи кўриниши силлиқ ҳамда Вр-II синфли юқори мустаҳкамли даврий профилли арматуралар.

Арматура буюмлари одатда темирбетон заводларининг арматура цехларида тайёрланади. Олдиндан зўриқтирилмаган конструкциялар учун арматура буюмлари (тўр, текис ва фазовий каркаслар) ни тайёрлашда А-I, А-II, А-III синфдаги стерженсизмон арматуралар ишлатилади.

Арматура буюмларини ишлаб чиқариш жараёни механизациялашган бўлиб, бу жараён тайёрлаш ва йиғиш операцияларидан иборат. Тайёрлаш операцияси таркибига арматураларни тўғрилаш, тозалаш, қирқиши, эгиш ва пайвандлаш киради. Йиғиш операциялари натижасида текис каркаслардан фазовий каркаслар ҳосил қилинади ва арматура-опалубка блоклари йиғилади.

Арматураларни ташишда умумий транспорт аҳамиятига эга бўлган автомобиллар, яримприцеплар, трайлерлар ёки темир йўл патформаларидан фойдаланилади.

Арматуралар опалубкаларни текшириб қабул қилиб олингандан сўнг ўрнатилади. Айрим ҳолларда дастлаб арматура каркаслари ўрнатилиб, сўнгра опалубкалар маҳкамланади. Арматураларни ўрнатишда лойиҳада кўзда тутилган ҳимоя қатламиининг

қалинлиги ва арматура қаторлари орасидаги масофа таъминланиши керак. Юқори намлик шароитида, кислота, туз эритмалари ва бошқа агрессив мухит таъсирида бўладиган темирбетон конструкцияларда химоя қатламининг меъёрий қалинлиги камидаги 10 мм га ортириб олиниши керак. Химоя қатламининг зарурий қалинлиги арматура ва опалубка оралиғига худди шу қалинликка эга бўлган бетон ва металл қўйилмаларни сим билан маҳкамлаб боғлаб куйиш орқали таъминланади. Бу қўйилмалар бетонлаш жараёнида конструкция таркибида қолиб кетади.

Арматура буюмлари одатда монтаж қранлари ёрдамида ўрнатилади. Арматуралар монтажи электр ёйли пайвандлаш асосида бажарилади. Пайвандли тўр ва текис каркасларни бир-бирига улаш пайвандсиз усуlda яъни бир-бирига камидаги 250 мм кириштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Каркас ва тўр таркибидаги алоҳида стерженлар бир-бирига пайвандлаб бириктирилади. Диаметри 20 мм дан ортиқ бўлган стерженларни бириктиришда (улашда) ваннали пайвандлаш усулидан фойдаланилади.

Оғирлиги 100 кг гача бўлган тўр ва каркасларни ўрнатиш III ва II тоифали учта арматурачидан иборат звено томонидан амалга оширилади. Оғирлиги 100 кг дан ортиқ бўлган тўр ва каркаслар монтажини кран ёрдамида, IV ва II тоифали тўртта арматурачидан иборат звено бажаради.

Ўрнатилган арматураларни қабул қилишда ёпиқ ишлар акти расмийлаштирилади.

Ўзлаштириш учун назорат саволлари:

1. Опалубка деганда нима тушинилади?
2. Опалубкалар қандай талабларга жавоб бериши керак?
3. Опалубка қандай юкланишларни қабул қиласи?
4. Конструктив жиҳатдан опалубкалар қандай турларга бўлинади?
5. Опалубканинг ҳар бир тури қаерларда ишлатилади?
6. Опалубка сифатининг энг муҳим кўрсаткичи нимадан иборат?
7. Темир-бетон конструкцияларда ишлатиладиган арматуралар қандай турларга бўлинади?
8. Арматура синфлари бир-биридан қандай фарқланади?
9. Химоя қатламининг зарурий қалинлиги қандай танланади?
10. Арматура тўри ва каркасларини ўрнатиш қандай таркибдаги арматурачилар звеноси томонидан амалга оширилади?

14-маъруза

Бетон қоришимасини тайёрлаш, ташиш, жойлаштириш ва зичлаш

Режа:

- 1.Бетон қоришимасини тайёрлаш.
- 2.Бетон қоришимасини ташиш.
- 3.Бетон қоришимасини жойлаштириш.
- 4.Бетон қоришимасини зичлаш.

Муаммо:

Қурилиш майдонида тайёрланадиган бетон ва темир-бетон конструкцияларда бетоннинг зарурий сифатини таъминлаш.

Таянч сўз ва иборалар:

қоришима тайёрлаш, қориshmани ташиш, ишчи чоклари, конструкцияларни бетонлаш, титратиш усули, вакуумлаш.

Муаммоли вазиятларда тўғри ечимга келиш учун қуйидагиларни билишингиз керак:

- 1.Бетон қориshmасини тайёрлашда қўлланиладиган қурилмалар.
- 2.Бетон қориshmасини ташкил этувчи материаллар ва уларнинг ўзаро нисбати.
- 3.Бетон қориshmасини тайёрлаш тартиби.
- 4.Бетон қориshmасини ташишда фойдаланиладиган транспорт воситалари ва уларнинг имкониятлари.
- 5.Конструкцияларни бетонлаш технологияси.
- 6.Ишчи чокларнинг қўйилиши.
- 7.Бетон қориshmасини зичлаш усууллари.

1. Бетон қориshmасини тайёрлаш

Бетон қориshmасини тайёрлашдаги асосий технологик вазифа қориshmанинг берилган таркибини аниқ таъминлашдан иборат.

Бетон қориshmаси марказий ва худудий бетон заводларида, қурилиш майдонига ўрнатиладиган бетон қориширувчи қурилмаларда ва харакатланувчи бетон қориширгичларда тайёрланади.

1. Марказий бетон-қоришима заводлари одатда йирик иншоотларни тиклашда фойдаланилади. Бундай заводлар йиғиб-ажратилувчи конструкциядан тикланиб, хизмат муддати 5...6 йилни ташкил этади. Фойдаланиб бўлинган завод 20...30 кун давомида бошқа жойга кўчириб ўрнатилади.
2. Худудий бетон заводларининг йиллик кувати 100...200 минг m^3 ни ташкил этади. Бундай завод ўзидан 25..30 км масофада жойлашган қурилишларни бетон ва қоришима билан таъминлайди. Бетон ва қоришимага бўлган талаб муддати 10...15 йил бўлганда бундай заводлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.
3. Бетон заводлари бўлмаган ва бетонга бўлган бир ойлик талаб 1,5 минг m^3 дан ошмаган ҳолларда қурилиш майдонига ёки унга яқин жойга ўрнатиладиган бетон қориширувчи қурилмалардан фойдаланилади.
4. Тарқоқ ҳолда жойлашган ва бетон ишлари ҳажми унча катта бўлмаган қурилиш объектларини бетон билан таъминлашда маҳсус прицепларга ўрнатилган харакатланувчи бетон қориширгич қурилмалардан фойдаланилади. Бундай қурилмаларнинг унумдорлиги 15...30 m^3 /соатни ташкил этади.

2. Бетон қориshmасини ташиш

Бетон қоришмасини ташишда турли транспорт воситаларидан фойдаланилади. Энг күп ишлатиладиган транспорт воситаси ўзитўкар автомобиль (автосамосвал) ҳисобланади. Бундай автомобиллардан фойдаланишда ташиш масофаси 10...15 км дан ортмайди. Бундан ташқари ташиш жараёнида қориshmанинг 2...3 фоизи йўқолади; қориshmанинг қатламланиши юзага келади; қор, ёмғир таъсирида қориshmанинг сифати бузилади. Шу сабабли маҳсус бетон қоришмасини ташувчи автомобиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай автомобиллар томчи шаклидаги ёпиқ қузовли бўлиб, қоришма жуда кам қатламланади; ташиш масофаси эса 30...40 км ни ташкил этади.

Бетон қоришмасини ташувчи замонавий транспорт воситаларидан бири автобетонқориштиргич ҳисобланади. Бундай автомобиль тайёр бетон қоришмасини ташиши ёки қуруқ ҳолда аралаштирилган қориshmани йўл давомида тайёрлаб бориши мумкин. Тайёр бетон қоришмасини ташишда ташиш масофаси 60...70 км ни ташкил этади.

Қурилиш майдонига келтирилган бетон қоришмасини иш ўрнига бетон насослари ёрдамида қувурлар орқали узатиб берилиши мумкин. Механик узатмали бетон насосларининг унумдорлиги 10,25 ва 40 м³/соатни ташкил этиб, қориshmани 350 м узоқликка ва 40 м баландликка узатиб бера олади. Гидравлик узатмали бетон насосларининг унумдорлиги 10...60 м³/соатни ташкил этади. Бундай бетон насослари ёрдамида бетон қоришмасини 80..100 м баландликка ва 400 м узоқликка узатиб берилиши мумкин.

Ҳаракатланувчи автобетоннасослари қориshmани 35...40 м радиусда 30 м гача баландликка узатиб бера олади. Агрегат 20...30 минут ичида транспорт холатини эгаллайди ва 60...80 км/соат тезлиқда бошқа объектга жўнаб кетиши мумкин.

3. Бетон қоришмасини жойлаштириш

Бетонлаш ишларини бошлашдан аввал опалубка, арматуралар, бириктириш қисмлари, анкерли болътлар ва шу кабиларнинг лойиҳага мослиги текширилиб, тегишли акт билан расмийлаштирилади.

Ёғоч опалубкалар бетон қўйилишидан 1 соатлар аввал яхшилаб намланади, тирқишилари беркитилади. Опалубканинг бетонга тегадиган қисмлари мойланади ёки полимер материаллари билан копланади. Анкерли болтларнинг резбали қисмига солидол сурисиб қўйилади.

Бетон қоришмасини жойлаштиришга қўйиладиган асосий технологик талаф бетонланаётган конструкциянинг яхлитлигини ва бетон қоришмасини зичлигини таъминлашдан иборат. Жойлаштириш жараёнида бетон қоришмасининг эркин тушиш баландлиги оддий бетонлар учун 3 м дан, йирик ғовакли бетонлар учун 1 м дан ортиб кетмаслиги керак.

Темирбетон конструкцияларнинг яхлитлигини таъминлаш учун бетонлаш ишларини тўхтовсиз олиб бориш керак. Лекин кўпчилик холларда бунга имкон бўлмайди ва ишчи чоклари қўйилади. Ишчи чоклари конструкция мустаҳкамлигига сезиларли таъсири кўрсатмайдиган жойларга (ҳисобий момент эпюрасининг нол нукталарига) қўйилади. Ишчи чоклари вертикал элементларда (устунлар) горизонтал, горизонтал элементларда (тўсин плита) вертикал бўлиши керак.

Мураккаб темирбетон конструкциялар учун (арка, свод, резервуар) ишчи чоклари лойиҳада кўрсатилган бўлади. Рамали конструкциялар тўхтовсиз бетонланиши керак. Бунга имконият бўлмаган ҳолларда рама ригелида, устундан озгина масофа нарида ишчи чоки қолдирилиши мумкин.

Кесими $0,4 \times 0,4$ м дан кам бўлган устунлар, қалинлиги 0,15 м дан кам бўлган парда деворлар ва кесишадиган хомутли исталган кесимли устунлар тўхтовсиз, баландлиги 2 м дан ошмайдиган участкаларга бўлиб бетонланади. Баландлиги 5 м гача, кесими камида $0,4 \times 0,4$ м бўлган устунлар бутун баландлиги бўйича (участкаларга бўлмасдан) бетон қоришимасини юқоридан тушириб бетонланади. Баландлиги 5 м дан ортиқ бўлган устунлар эса пастки қисмидан токи 5 м масофа колгунча участкаларга бўлиб (қатламлаб) бетонланади. қурилиш меъёrlарига асосан тўхтовсиз бетонлаш баландлиги устунлар учун кўпи билан 5 м ни, девор ва парда деворлар учун 3 м ни ташкил этади.

Тўсинлар бутун узунлиги бўйича қатламлаб бетонланади. Баландлиги 50 см дан ортиқ бўлган тўсинлар 30...40 см ли қатламларга бўлиб бетонланади. Тўсин, прогон ва плиталарни бетонлаш устунлар бетонлангандан 1-2 соат ўtkазиб бошланиши керак. Баландлиги 800 мм дан кам бўлган тўсин ва прогонлар плита билан биргалиқда, баландлиги 800 мм дан ортиқ бўлганда алоҳида (баландлик бўйича ишчи чоки қолдириб) бетонланади.

қулочи 15 м дан кам бўлган арка ва сводлар икки пастки томонидан бошлаб тўхтовсиз бетонланади. Агар қулочи 15 м дан ортиқ бўлса участкаларга бўлинади ва дастлаб бирданига учта участка (иккита остки ва устки) бетонланади. Сўнгра қолган участкалар бетонланади ва участкалар оралиғида 20-30 см ли чўкиш чоклари қолдирилади. Бу чоклар 5-7 кундан сўнг кам оқувчан бетон қоришимаси билан тўлдирилади. қалинлиги 5 см дан кичик бўлган свод-оболочкалар бетон қоришимасини босим билан сочиш йўли билан бетонланади.

4. Бетон қоришимасини зичлаш


Бетон қоришимаси шиббалаш, санчқилаш, титратиш ва вакуумлаш йўли билан зичлаштирилади. Титратиш бетон қоришимасини зичлашда асосий усул ҳисобланади.

Бетон қоришимасини титратиш усулида зичлаш ўзаро боғлиқ икки параметр: амплитуда ва тебраниш частотаси билан характерланади.

Бетон қоришимасини зичлашда қуйи частотали (частотаси 3500 тебр/мин гача, амплитудаси 3 мм), ўртача частотали (3500-9000 тебр/мин, амплитудаси 1-1,5 мм) ва юқори частотали (10000-20000 тебр/мин, амплитудаси 0,1-1 мм) титратгичлар ишлатилади.

Юқори частотали титратгичлар юпқа деворли конструкциялар ва майда тўлдирувчили бетонларда ишлатилади.

Бетон қоришимасига тебранишларни узатиш характерига кўра титратгичлар ички, ташки ва юза титратгичларга бўлинади.



33-расм. Титратгич турлари:
а-ички титратгич; б-таш=и титратгич; в-юза титратгичи; 1-опалубка; 2-дебаланс;
3-титратгичнинг ишчи майдончаси; 4-
титратгични силжитувчи эгилувчан
тоят=и

сўрилиб шланглар орқали сув йигичга узатилади. Вакуумлаш натижасида 20-25% эркин сув сўриб олинади. Вакуумнинг таъсир чуқурлиги 20-30 см ни ташкил этади. Вакуумлаш усули юпқа деворли конструкциялар (оболочка, тўсинсиз ораёпмалар, парда деворлар) яъни қалинлиги 25...30 см дан ошмайдиган конструкцияларда самарали ҳисобланади.

Ўзлаштириш учун назорат саволлари:

1. Бетон қориши масини тайёрлаш қандай амалга оширилади?
2. Бетон қориши масини ташишда қандай транспорт воситаларидан фойдаланилади?
3. Ишчи чоклари қандай ҳолларда ва қай тартибда кўйилади?
4. Устун, девор, парда девор ва тўсинлар қай тартибда бетонланади?
5. Арка ва сводларни бетонлаш тартиби қандай?
6. Бетон қориши масини зичлашда қандай усуллардан фойдаланилади?
7. Титритиш усулида ишлатилаиган титратгичлар қандай турларга бўлинади?
8. Вакуумлаш усулиниң моҳияти нимадан иборат?

Ички титратгичлар пойдевор, устун, прогон ва шу каби конструкцияларни бетонлашда; ташки титратгичлар зич арматураланган юпқа деворли конструкцияларни бетонлашда; юза титратгичлари эса ёпма плиталар, поллар ва йўлларни бетонлашда ишлатилади (33-расм).

Бетон қориши масини вакуумлаш ундаги эркин химиявий боғланмаган сувни ва ҳавони суриб олишга асосланган. Бу усулда зичланган бетоннинг нихоявий мустаҳкамлиги титратиши усулига нисбатан 15-20% ортиқ бўлади. Бетоннинг совукка чидамлилиги ва сув ўтказмаслиги ортади.

Вакуум қурилмаси вакуум-насос, вакуум-шит ва сурувчи шланглар комплектидан иборат. Вакуум-шит ўлчами 100x125 см. Насос ишга тушгач шит билан бетон сирти оралиғида вакуум ҳосил бўлади ва бетон таркибидағи ҳаво ва эркин сув

15-маъруза

Бетонлашнинг махсус усуслари

Режа:

1. Қоришмани босим билан сочиш.
2. Ажратилган бетонлаш усули.
3. Сув остида жойлашадиган конструкцияларни бетонлашда тик кўтарилиувчи қувурлар усули.
4. Сув остида жойлашадиган конструкцияларни бетонлашда кўтарилиувчи қоришма усули.

Муаммо:

Конструкцияларни бетонлашда одатдаги технологияни қўллаш имконияти бўлмаган холларда бетонлаш ишларини бажариш.

Таянч сўз ва иборалар:

Цемент-қумли қоришмани сочиш, бетон қоришмасини сочиш, ажратилган бетонлаш, ажратилган бетонлашнинг афзалликлари, тик кўтарилиувчи қувурлар усули, кўтарилиувчи қоришма усули.

Муаммоли вазиятларда тўғри ечимга келиш учун қуйидагиларни билишингиз керак:

1. Қоришмани босим билан сочиш қурилмалари.
2. Қоришмани босим билан сочиш технологияси.
3. Ажратилган бетонлаш усулининг моҳияти, афзаллиги, қўлланилиш ўрни.
4. Тик кўтарилиувчи қувурлар усулининг моҳияти, қўлланилиш ўрни.
5. Кўтарилиувчи қоришма усулининг моҳияти, қўлланилиш ўрни.

1. Бетонлашнинг махсус усуслари

Бундай усуслар қаторига қоришмани босим билан сочиш, ажратилган бетонлаш ва сув остида бетонлаш усуслари киради.

Коришмани босим билан сочиш усули. Цемент-қумли қоришма “цемент-пушка” деб номланувчи қурилма ёрдамида сочилади. Қуруқ холдаги (таркиби 1:2, 1:3 бўлган) цемент-қум аралашмаси “цемент-пушка” камерасига жойлаштирилади ва 0,2...0,4 МПа босим билан сочувчи мослама (форсунка) га узатилади. Форсункага 0,05...0,15 МПа босимда юборилган сув билан қуруқ холдаги қоришма аралашмаси 120...140 м/с тезлиқда отилиб чиқади ва ишлов бериладиган сиртга зич қатлам ҳосил қилиб ёпишади. Қоришмани босим билан сочиш даврида ишчи форсункани сиртга тик ҳолда 0,7..1 м масофада ушлаб туради ва уни тўхтовсиз силжитиши натижасида қоришмани 25 мм дан ошмайдиган қалинликда қатламлаб берилишига эришади. Ҳар бир қатлам ўзидан аввалги қатламда цементнинг ушлашиш даври тугагандан сўнг берилади. Бу усул резервуар деворларининг сув ўтказмаслигини ошириш, бетон ва темирбетон конструкциялардаги нуқсонларни тўғрилаш ва шу каби мақсадларда ишлатилади.

Бетон қориши масини сочишда йириклиги 25..30 мм дан ошмайдиган түлдирүвчи асосида қуруқ ҳолдаги қориши ма тайёрланади ва конструкцияси “цемент-пушка” га ўхшаб кетадиган, лекин унга нисбатан юкори босим хосил қиласын (0,6 МПа гача) пурковчи машина ёрдамида сочилади. Бир марта сочиб ўтишдаги бетон қориши масининг қалинлиги 70 мм дан ошмаслиги, пурковчи учлик билан бетонланаётган сирт орасидаги масофа 1...1,2 м бўлиши керак. Бу усул йиғма ва йиғма-яхлит конструкциялар чокларини яхлитлашда, туннел деворларини ва юпқа деворли конструкцияларни бетонлашда қўлланилади.

Цемент-кўмли қориши ма бетон қориши масини босим билан сочиш усулининг камчилиги сиртга урилиб сачраш натижасида 10...30% қоришманинг бехуда йўқолиши хисобланади.

Ажратилган бетонлаш усули. Бу усул сув ўтказмаслик хусусияти юкори даражада бўлиши талаб этиладиган темирбетон резервуарларни, жиҳоз ости пойдеворларини, яхлит устун-қозиқли пойдеворларни бетонлашда қўлланилади.

Усулининг моҳияти шундан иборатки опалубка ичига арматураларнинг лойиха ўрнини ўзгартирган ҳолда йирик түлдирүвчи жойлаштирилади. Сўнгра диаметри 38...50 мм, узунлиги 1...2 м бўлган ва бир-бирига муфта ёрдамида бириткириладиган қувурлар орқали йирик түлдиргичлар орасидаги бўшлиққа қориши ма насослари ёрдамида цемент-кўмли қориши ма босим остида киритилади. қориши ма узатиш қувурлари конструкция қалинлиги 1 м дан ортиқ бўлганда опалубка ичига (юқоридан тушириб) ўрнатилади. Конструкция қалинлиги 1 м дан кам бўлганда қориши ма опалубканинг ён деворларида хосил қилинган тирқишилар орқали киритилади. Бу усулда бетонлашда иш жараёнидаги танаффус 20 мин дан ортиб кетмаслиги керак, акс ҳолда узатувчи қувурлар ичидаги қориши ма қотиб қолиши мумкин.


Ажратилган бетонлаш усули одатдаги қатламлаб бетонлашга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- бетон қориширгичда материаллар ҳажми камаяди, чунки факат қориши ма тайёрланади ҳолос;
- йирик ўлчамдаги тошларни ишлатиш мумкин;
- йирик түлдирүвчиларни (тошларни) ташиш бетон қориши масини ташишга нисбатан қулай;
- горизонтал ишчи чоклари бўлмаслиги сабабли иншоотнинг сув ўтказмаслик даражаси ортади.

Сув остида жойлашадиган конструкцияларни бетонлаш. Кўприклар ва электр узатиш тармоқларининг таянчлари, соҳил бўйидаги пойдевор ва деворлар, сув олиш иншоотларининг конструкцияларини очик сув ҳавзасида бетонлашга тўғри келади. Бундай ҳолларда бетонлаш ишлари сувни қуритмаган ҳолда қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин.

Тик күтарилиувчи құвурлар усули. Бу усул чуқурлик 50 м гача бўлганда сув остида бетонлаш ишларини олиб бориша қўлланилади (34-расм). Бунда бетонлаш ишлари қўйидаги тартибда бажарилади: сув остида бетонланадиган блок атрофи темирбетон опалубка ёки шпунтли тўсиқ билан ўралади. Сўнгра тўсиқ ичига диаметри 300 мм гача бўлган пўлат құвурлар туширилади. Бу құвурлар 0,5...1 м ли қисмлардан таркиб топиб, бу қисмлар бир-бирига осон ажralадиган ва сув ўтказмайдиган бирикмалар ёрдамида бириктирилади. Титратиб бетонланадиган бўлса құвурларнинг қуи қисмига қуввати 1 кВт дан ортиқ бўлган титратгич маҳкамлаб қўйилади. Бетонлашдан аввал құвур ичига чипта қопни буқлаб киритиб қўйилади, сўнгра құвурнинг юқори қисмига ўрнатилган карнай орқали бетон қоришимаси юборилади. қоришка суреба тушади ва натижада құвур ичидағи сув сиқиб чиқарилади. Бетон қоришимаси құвурнинг остики сатҳидан 0,8-1,5 м кўтарилигунга қадар тўхтовсиз юборилади. Сўнгра бетон

қоришимасини юбориш билан бирга құвурлар юқорига кўтариб борилади ва 0,5...1 м ли құвур қисмлари навбатма-навбат олиб ташланаверади. Бетонлаш жараёнида құвурнинг остики учи қоришка ичига 0,8-1,5 м ботиб турини таъминланиши керак. Бетонланаётган блок сув сатҳидан 20-30 см кўтарилигач бетонлаш тўхтатилади ва бетоннинг мустаҳкамлиги 2,5 МПа га етгач бетоннинг сув ювган юза қисми олиб ташланади. Сўнгра бетонлаш ишлари блокнинг лойиха белгисига етгунча давом эттирилади. Бу усулда бетонлашда қоришка ёйилувчанлиги 14...20 см ни ташкил этади.




34-расм. Тик кытарилиувчи құвурлар усулида бетонлаш схемаси:

1-тыси= (опалубка); 2-ишли поли; 3-0,5..1 м ли қисмлардан ийилган бетон =оришимасини узатувчи құвур; 4- щимоя тыси; 5-=оришка узатиш карнайи; 6-устун; 7-бетон узатиш =увури; 8-сузиб юрувчи бетон тайёрлаш =уримаси.

Кўтарилиувчи қоришка усули. Бу усулда сув остида бетонланадиган блок атрофи опалубка билан ўралгач, блокнинг ўрта қисмига бир-биридан 3 м гача бўлган масофада панжарали металл шахталар ўрнатилади ва шахталар ичига алоҳида қисмлардан таркиб топган, диаметри 100 мм гача бўлган құвурлар туширилади. Опалубка ичи йирик тошлар

(үлчами 400 мм гача) ёки чақылган тош (үлчами 40...150 мм) билан тұлдырилади. Сүнгра қувурлар орқали қоришка юборилади. қоришка металл шахта панжаралари орасидан ўтиб тошлар орасидаги бўшлиқни тұлдыради ва сувни юқорига сиқиб чиқаради. қоришмани юбориш билан бирга қувурлар юқорига кўтариб борилади. Бунда қувурнинг остки учи қоришка ичига 0,8...1 м ботиб туриши таъминланиши керак. Чуқурлик 10 м дан ортиқ бўлган ҳоллада ҳамда бетонланаётган блок чақиқ тош билан тұлдырилганда қоришка босим остида (коришка насослари ёрдамида) юборилади. Бу усул 50 м гача чуқурликда бетонлаш ишларини бажаришда қўлланилади. Асосий камчилиги металл сарфининг юқорилиги ва тошлар бўшлиғининг ҳар доим ҳам қоришка билан тўлиқ тўлавермаслиги ҳисобланади.



35-расм. Кўтариливчи қоришка усулида бетонлаш схемаси.

1-йирик тошли қатлам; 2-қоришка; 3-шпунтли тўсиқ (опалубка); 4-химоя тўсиғи; 5-ишли поли; 6-панжарали металл шахта; 7-қувур; 8-чиғир; 9-сув; 10-қоришка узатгич; 11-қоришка насоси.

Ўзлаштириш учун назорат саволлари:

1. Цемент-қумли қоришка қандай восита ёрдамида ва қай тартибда сочилади?
2. Бетон қоришинас қандай восита ёрдамида ва қай тартибда сочилади?
3. Ажратилган бетонлаш усулиниң моҳияти нимадан иборат?
4. Ажратилган бетонлаш усули қандай афзалликларга эга?
5. Тик кўтариливчи қувурлар усулида бетонлаш қай тартибда амалга оширилади?
6. Кўтариливчи қоришка усулида бетонлаш қай тартибда амалга оширилади?

МУНДАРИЖА

№	Маъruzалар номи	бет
1	Куруқ-иссиқ иқлим шароитининг бетон ишлари технологиясига ва бетоннинг узокқа чидамлилигига таъсири	
2	Куруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қориши масининг зарурый оқувчанлигини таъминлаш	
3	Куруқ-иссиқ иқлим шароитида бетон қаровининг ўзига хос жихатлари	
4	Бетон қаровининг усуллари	
5	Куруқ-иссиқ иқлим шароитида яхлит ва йигма темир-бетон конструкцияларда бетоннинг қотиш жараёни	
6	Куруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг иссиқбардошлиги	
7	Қишиш шароитида бетон ишларини бажариш	
8	Грунт шароити мураккаб бўлган холларда қурилиш ишларини бажариш	
9	Бино ва иншоотларни реконструкция қилишда қурилиш ишларини бажариш	
10	Конструкцияларни кучайтириш ва алмаштириш	
11	«Ишларни бажариш лойихаси» (ИБЛ) ва «Қурилишни ташкил этиш лойихаси» (КТЭЛ) ни тузишда фан ва техниканинг илгор услубларини қўллаш	
12	Бино ва иншоотлар қурилишини поток услубида ташкил этиш ва режалаштиришнинг график тизимлари	
	Муаммоли маъruzалар	
13	Опалубка ишлари. Арматураларни тайёрлаш ва монтаж қилиш	
14	Бетон қориши масини тайёрлаш, ташиш, жойлаштириш ва зичлаш	
15	Бетонлашнинг маҳсус усуллари	

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
2. С.А.Миронов, Е.Н.Малинский. Основы технологии бетона в условиях сухого жаркого климата. М.: Стройиздат, 1985. -361с.
3. Драченко Б.Ф., Ерисова Л.Г., Горбенко П.Г. Технология строительного производства. –М.: Агропромиздат, 1990. -512с
4. Атаев С.С., Данилов Н.Н., Прўкин Б.В.и др Технология строительного производства. –М.: Стройиздат, 1984. -559с.
5. Дикман Л.Г. Организация, планирование и управление строительнўм производством.-М.: Вўсх. школа, 1982. -480с.
6. Пунагин В.Н. Технология бетона в условиях сухого жаркого климата.-Ташкент, 1977. -222с.
7. Ступаков Г.И. Технология бетона для гражданского и промышленного строительства в условиях сухого жаркого климата.-Т.: Ўқитувчи, 1983. -160с.
8. Технология и механизация строительного производства С.С. Атаев, Б.А. Бондарик, И.Н. Громов и др.-М.: Вўсх. школа, 1983. -312с.
9. Технология, механизация и автоматизация строительства С.С. Атаев, Б.А. Бондарик, И.Н. Громов и др. Под ред. С.С. Атаева, С.Я.Луцкого.-М.: Вўсх. школа ,1990. -592с.

